Ф.Б. САГУ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

5-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 255 (1259)
27 ДЕКАБРЬ ШАНБА 1958 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

1958 йилда рангли металлар ишлаб чиқариш плани муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика Бошқармасининг ахбороти

СССР рангли металлургия ходимлари КПССнинг XXI съездини муносиб кутиб олиш учун курашиб, социалистик мусобақани кенг авж олдириш асосида 1958 йилда рангли металларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажардилар.

Йил охиригача пландан ташқари талайгина миқдорда мис, алюминий, қўрғошин, рух, никель, магний, кобальт, қалайи, титан, молибден маҳсулоти ва рангли металларнинг бошқа турлари ишлаб чиқарилади.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

25 декабрь кечқурун Катта Кремль саройида Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг охирги қўшма мажлиси бўлди. Иттифоқ Советининг раиси депутат **П. П. Лобанов** раислик қилди.

Залда меҳмонлар кўп, дипломатия корпусининг аъзолари, совет ва чет эл журналистлари ҳозир бўлдилар. Гулдурос қарсаклар билан кутиб олинган **А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, С. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Д. С. Коротченко, Я. З. Калнберзин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, В. П. Мжаванадзе, М. Г. Первухин, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский** ўртоқлар ҳукумат ложаларидан жой оладилар.

Сессия СССР Конституциясининг баъзи моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалани ва СССР Олий Совети Президиумининг биринчи сессиядан кейин қабул қилган фармонларини тасдиқлашга ўтади. СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **М. П. Георгадзе** доклад қилди.

Депутатлар СССР Конституциясининг моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларни бир овоздан қабул қиладилар ва СССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлайдилар.

Шундан кейин раислик қилувчи атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш масаласи ва Берлин масаласи ҳақида СССР Олий Совети депутатларининг сўроқлари муносабати билан Совет ҳукумати номидан баёнот бериш учун депутат **А. А. Громикога** сўз беради.

Ташқи ишлар министри А. А. Громико баёноти

А. А. Громико биринчи сўроққа жавоб қайтариб, бундай деди: ядро синовларини тўхтатиш масаласи юзасидан ўтказилаётган Женева кенгашида шу вақтгача айтарлик муваффақиятларга эришилмади. Бу ҳол ғарб давлатлари делегациялари тутган позиция орқасида рўй бермоқда. АҚШ ва Англия вакиллари кенгаш олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун шошилмаётган бўлсалар керак. Шу нарсани очиқ айтиш керакки, деди ўртоқ Громико, АҚШ ва Англия ҳукуматлари синовларни тўхтатиш масаласи юзасидан бамаслаҳат бир фикрига келишга йўл қўймасликни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйган бўлсалар керак.

АҚШ ва Англия ҳукуматларининг, деб сўзини давом эттирди ўртоқ Громико, ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги битим тузилган тақдирда бу битимга риоя қилинишини самарали контроль қилиш мумкин эмас, деган даъволари халқларни лақиллатишдан бошқа бир нарса эмас. Экспертларнинг шу йил ёз фаслида Женевада ўтказилган кенгаши якдиллик билан бундай контролни ўрнатиш мумкин, деган хулосани чиқарди.

Ғарб давлатларининг мамлакатлар территорияларини текшириш тўғрисида қўйаётган ҳамма талаб ва шартлари экспертлар кенгашининг хулосаларига зиддир.

Ғарб давлатларининг ядро синовларини тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг бажарилишини контроль қилишни контроль органидаги инглиз-америка кўпчилигининг хоҳишига боғлиқ қилиб қўйиш ҳақидаги бемаъни талаби америка-инглиз блоки вакилларининг разведка мақсадида тегишли маълумотларни олишга интилаётганликларини исбот этади, холос.

Совет ҳукумати, деди ўртоқ Громико, ҳеч қандай писанда ва дастлабки шартлар қўймай, ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисидаги битимни истаган куни, ҳатто, эртаги кунда ҳам имзолашга тайёрдир ва ана шу қуролнинг ҳамма турларини синов тариқасида портлатишларни худди ана шу кундан бошлаб АҚШ ва Англия билан биргаликда абадий тўхтатишга тайёрдир.

Сўнгра, СССР Ташқи ишлар министри айтдики, ҳозирги вақтда АҚШ ва Англия тинч мақсадларда ядро қуроли портлатишларини ўтказиш ҳақидаги ўз талабини бир битимга келишга халақит берадиган говларнинг бирига айлантиришга уринмоқдалар. Совет ҳукумати буни эътиборга олиб, тинч мақсадларда ядро портлатишларни чекланган миқдорда ўтказиш тўғрисида бир битимга келишга тайёрдир. Бундай тақдирда СССР, бир томондан, АҚШ ва Англияни бирга қўшиб ҳисоблаганда уларда ўтказилган портлатишлар миқдори ва, иккинчи томондан, СССРда ўтказиладиган портлатишлар миқдори бир хил бўлиши керак, деган фикрга асосланади. Ҳар йили ўтказиладиган портлатишларнинг умумий миқдори ҳақида олдиндан келишиб олиш ва портлатишлар миқдори жуда ҳам чекланган бўлиши керак.

Ўртоқ Громико таъкидлаб айтдики, ғарб давлатлари Женевада ўтказилаётган бошқа бир кенгашда, яъни қўққисдан ҳужум хавфининг олдини олиш тўғрисидаги кенгашда ҳам бамаслаҳат бир битимга келишни ҳам истамаётирлар. Улар қўққисдан ҳужумнинг олдини олиш тўғрисидаги тадбирларни қараб чиқиш ўрнига давлатлар қурол-яроғларининг турли хиллари тўғрисида маълумотлар тўплашнигина очиқдан-очиқ истар эдилар.

Биз, деди министр, ғарб вакиллари қизиққан нарсани фақат бир жиҳатдан қондира оламиз: уларга яна бир марта айтамизки, СССР мамлакатимизнинг хавфсизлигини ҳар қандай ҳамлалардан мустаҳкам ҳимоя қилиш учун тамомила етарли бўлган энг янги қурол-яроғларга керакли миқдорда эгадир. Шу билан СССР ҳукумати ана шу қуролларнинг ҳаммасини — ракеталарни, атом ҳамда водород бомбаларини ва бошқа қурол-яроғларни синдириб, бузиб ташлашни ёки улардан фақат тинч мақсадларда фойдаланишни афзал кўрган бўлур эди. Ғарб давлатлари қуролсизланиш юзасидан тегишли тадбирларни кўриш ҳақидаги битимни имзолашга рози бўлишлари биланоқ, СССР ҳукумати шундай қилишга тайёрдир.

Сўнгра, СССР Ташқи ишлар министри Европа ва Осиёдаги социалистик мамлакатлар ҳукуматлари, шунингдек, Ҳиндистон, Индонезия, Бирлашган Араб Республикаси ва бошқа давлатларнинг ҳукуматлари ядро қуроли синовларини тўхтатиш учун актив кураш олиб бораётганликларини таъкидлади.

Сўнгра ўртоқ Громико Берлин масаласи ҳақида жавоб қайтарди. У, Совет ҳукуматининг бу масалани, Ғарбий Берлинни демилитаризация қилинган эркин шаҳарга айлантириш йўли билан ҳал этиш тўғрисидаги таклифлари ҳақида гапиради. Бу масала кўпроқ таллуқли бўлган мамлакат — Германия Демократик Республикасининг халқи ва ҳукумати бу таклифларни қизғин маъқуллади. Берлин Германия Демократик Республикаси территориясида бўлиб, унинг пойтахтидир. Бошқа бир қанча давлатларнинг халқлари ва ҳукуматлари ҳам Совет ҳукуматининг таклифларини маъқулладилар ва қўллаб-қувватладилар, чунки Берлин масаласининг Европа қитъасидан бошқа мамлакатлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳаммага аёндир.

Совет ҳукумати бевосита манфаатдор давлатлар ўртасида оқилона музокаралар олиб бориш йўли ана шу проблемани ҳал этишнинг энг тўғри йўли деб ҳисоблайди. Берлин масаласини бамаслаҳат ҳал этиш тўғрисида ғарб давлатлари билан бамаслаҳат бир фикрга келинмаган тақдирда ҳам, СССРнинг Берлинда в Берлинни Ғарбий Германия билан боғловчи коммуникацияларда шу вақтгача ўзи бажариб келган функцияларни Германия Демократик Республикаси ихтиёрига топшириштан бошқа чораси қолмайди.

Ўртоқ Громико Ғарбий Берлинда рўй берган аҳволни характерлаб, қуйидагиларни айтади: агар ана шу аҳволга чек қўйилмаса, хавф-хатар янада кучайиб, Ғарбий Берлин иккинчи Сараево бўлиб қолиши мумкин. 1914 йил июнь ойида Сараевода отилган ўқ биринчи жаҳон уруши оловини ёққан эди.

Ғарбий Берлинда қилинадиган ҳар қандай игвогарлик, Германия Демократик Республикасига қарши агрессив ҳаракат қилиш йўлидаги ҳар қандай уриниш катта урушни бошлаб юбориши мумкин. Бу уруш миллион-миллион кишиларни ҳалок қилган бўлур эди ва ўтган жаҳон урушидагига нисбатан мисли кўрилмаган даражада оғир вайронгарчилик ва талафот келтирган бўлур эди. Уруш алангаси муқаррар суратда Америка қитъасига кўчган бўлур эди, чунки ҳозирги замон ҳарбий техникасини эътиборга олганда, уруш ҳаракатларининг узоқ ва яқин доирадаги майдонлари ўртасидаги масофаларнинг ҳеч қандай аҳамияти қолмайди. Ақлдан озган кишиларгина бу билан қисоблашмасликлари мумкин. Совет ҳукумати, деб сўзини давом эттирди ўртоқ Громико, ғарб давлатлари раҳбарларининг ҳам давлат ишларида донишмандлик кўрсатиб, совет таклифлари Берлин масаласини ҳал этиш учун чинакам асос вужудга келтиради, деган хулосага келишларига умид боғлашни астойдил истайди. Бу таклифлар ғарб давлатларининг бирортасига (бу ўринда немислар тўғрисида гапириб ҳам турмаймиз) ҳеч қандай зарар етказмайди, шунингдек, Совет Иттифоқига ёки бошқа бирон давлатга ҳеч қандай бир томонлама устунлик бермайди.

Ғарб давлатлари раҳбарларининг баёнотлари, шунингдек, НАТО кенгашининг Берлин масаласи юзасидан яқинда эълон қилинган ахбороти найрангдан бошқа бир нарса эмас, чунки ана шу баёнот ва ахборотда Берлиндаги аҳволни нормаллаштириш тўғрисидаги масалани Германиянинг бирлаштириш проблемаси билан боғлиқ қилиб қўйишга ҳаракат қилинади. «Умумгерман эркин сайловлари» деб аталган ва турмуш томонидан аллақачонлар улоқтириб ташланган эски программа яна илгари сурилмоқда. Гоят жиддий ва жуда муҳим бўлиб қолган Берлин масаласини ҳал этишдан бўйин товлаш учун шундай найранг ишлатилмоқда.

Совет ҳукумати, деди ўртоқ Громико, Германияни ташқаридан — немислар номидан ва немисларнинг иштирокисиз «бирлаштириш»га ҳеч кимнинг ҳақи йўқ эканлигини ва Совет Иттифоқининг шу хилдаги планларга ҳеч қандай алоқаси йўқ эканлигини кўп марта таъкидлаб келди. Германияни бирлаштириш ҳар иккала давлатни Германия Демократик Республикаси билан Германия Федератив Республикасини бир-бирлари билан яқинлаштириш ва улар ўртасида бамаслаҳат бир битимга келиш натижасигина бўла олади ва ҳозирги шароитда умумгерман сайловлари каби ҳар қандай яроқсиз усуллар билан бу проблемани ҳал этиш мумкин эмас.

* * *

Депутат **М. А. Лаврентьевга** (Новосибирск области) сўз берилади. У айтадики, бутун совет халқи каби совет олимлари ҳам ядро қуроли синовларини ҳамма жойда ва абадий тўхтатиш учун изчил ҳаракат қилаётган Совет ҳукуматининг сиёсатини қизғин қувватламоқдалар. Бу сиёсат дунёнинг барча мамлакатларидаги халқларнинг орзу-тилакларига жавоб берди. Депутат Берлин масаласига тўхталиб, АҚШ, Англия, Германия Федератив Республикасидаги ҳукмрон доиралар Совет ҳукуматининг Берлинни эркин шаҳарга айлантириш тўғрисидаги оқилона таклифларига таҳдид қилиш билан жавоб қайтараётганликларини айтади. Аммо, улар Совет Иттифоқини ва бошқа социалистик мамлакатларни чўчита оламиз, деб ўйламасинлар. Соғлом фикр қилич ялангочлатишни эмас, балки Берлин масаласини оқилона ҳал этишни талаб қилади. Бу эса, тинчлик манфаатлари учун зарурдир.

Биз, Олий Совет депутатлари, миллионларча сайловчиларимиз, дейди **Н. П. Бажан** (Украина ССР), ҳаммамиз Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бутун дунёда тинчликни сақлашга қаратилган сиёсатини тамомила маъқуллаймиз.

Бутун ер юзидаги оддий кишилар Совет ҳукуматининг тажриба тариқасидаги портлатишларни дарҳол тўхатиш инсониятни атом уруши хавфидан узил-кесил қутқазиш йўлидаги қатъий қадам бўлади, деган фикрига қўшиладилар.

Биз ўз ҳукуматимизнинг Берлин масаласи ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз. Нотсдам битимини бузган ғарб давлатларининг ҳукуматлари Ғарбий Берлинни оккупация қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Мен, дейди депутат **М. М. Привалов** (Кемерово области), шу минбарда туриб ўз сайловчиларимнинг — Кузнецк комбинати металлургларининг, индустриал Кузбасс шахтёрлари, бинокорлари, колхозчилари, зиёлиларининг фикрини изҳор қилмоқчи бўламан. Улар мамлакатда ва чет элларда бўлаётган воқеаларни эътибор билан кузатиб турибдилар. Мамлакатимизнинг келажаги ва бутун инсониятнинг тақдири уларни ғоят қизиқтирмоқда. Улар Совет ҳукуматининг ўз ҳоҳиш-иродаларини изчиллик ва сабот-матонат билан бажараётганлигидан мамнундирлар.

СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосари депутат **В. Д. Соколовскийга** сўз берилади. Агрессив НАТО блокидаги ўтакетган уришқоқ генералларнинг баъзилари, деди у, Берлин масаласи ҳақида гапириб, таҳдид қилиш йўлини тутмоқдалар, ҳеч қандай масъулият сезмай, атом ва водород қуролини қўлланиш тўғрисида гапирмоқдалар.

Германия Демократик Республикасига ҳужум қилинган тақдирда, деди ўртоқ Соколовский, СССР ва бошқа социалистик давлатларнинг қуролли кучлари ГДРни ҳимоя қиладилар. Ғарб мамлакатларининг агрессив доиралари Берлин деб уруш бошлар эканлар, тарих олдидаги ва бутун дунё халқлари олдидаги жавобгарлик улар зиммасига юкланади.

Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиялари номидан сўзга чиққан депутат **В. Е. Семичастнийнинг** таклифига мувофиқ, СССР Олий Совети атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш масаласи ва Берлин масаласи ҳақида бир овоздан қарор қабул қилади.

Қарорда СССР ҳукуматининг атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш масаласидаги сиёсати ва амалий тадбирлари маъқулланади ва СССР ҳукуматига ядро қуроли синовларини ҳамма жойда ва сўзсиз бутунлай тўхтатиш учун бундан буён ҳам тинмай кураш олиб бориш топширилади. Олий Совет АҚШ ва Буюк Британия ҳам барча халқларнинг орзу-тилакларига муносиб бўлган ана шу буюк ва олижаноб мақсадга эришиш учун зарур тадбирларни кўрадилар, деб умид қилади.

Олий Совет СССР ҳукуматининг Берлин масаласидаги сиёсати ва амалий тадбирларини ҳам маъқуллайди ва АҚШ, Буюк Британия ҳамда Францияни Берлин масаласи Европада ва бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига муносиб суратда ҳал этиш ишига ўз ҳиссаларини қўшишга чақиради.

Шу билан СССР Олий Советининг иккинчи сессияси ўз ишини тамомлади. (ТАСС).

Жиноят қонунлари асослари, давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ва ҳарбий жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун лойиҳалари ҳақида

Иттифоқ Совети Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссияси раиси депутат Д. С. Полянский доклади

СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиялари, дейди ўртоқ Полянский, ССР Иттифоқи ва иттифоқчи республикалар жиноят қонунлари асослари лойиҳасини, шунингдек давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги ҳамда ҳарбий жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Қонунлар лойиҳаларини сизнинг ихтиёрингизга тақдим этадилар. СССР Олий Советининг қарорларига мувофиқ ишлаб чиқилган бу қонун лойиҳалари мамлакатимизда социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқий тартибни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаши лозим.

Шу нарсани алоҳида уқтириб ўтиш зарурки, КПСС Марказий Комитети кейинги вақтларда совет қонунчилиги масалаларига катта эътибор бермоқда. Бу эса тамомила табиийдир, чунки социалистик қонунчилик совет ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлаш ишига, мамлакатимизда коммунизм қуриш ишига хизмат қилмоқда.

Янги қонунлар лойиҳаларини Олий Совет қарамоғига тақдим этиш заруruniяти айниқса шундан келиб чиқадики, амалдаги Жиноят қонунларининг асосий қоидалари, шунингдек бошқа кўпгина жиноят қонунлари ҳам бундан 30 йил муқаддам қабул қилинган бўлиб, кўп жиҳатдан эскириб қолган.

Равшанки, амалдаги қонунларнинг ҳаммаси ҳам эскириб қолган ва уларни тамомила қайтадан қараб чиқиш лозим, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиялари янги қонун лойиҳаларини тайёрлаганларида амалдаги қонунларнинг турмушда ва давлат ишининг узоқ давомли практикасида синалган кўпгина муҳим низомларни сақлаб қолиш зарур, деган фикрга келдилар.

Лойиҳалар давлатимизни ва ундаги ҳуқуқий тартибни жиноий қасдлардан бутун чоралар билан ҳимоя қилиш заруриятидан, шунингдек шахсни ва гражданларнинг ҳуқуқларини қаттиқ қўриқлаш заруриятидан келиб чиқади. Мамлакатимизда ҳуқуқий тартибнинг янада мустаҳкамланиши ҳуқуқий тартибларни бузишларга олиб келадиган сабабларни қатъий равишда бартараф қилишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Социалистик давлат шароитида, дейди докладчи, жиноий таъқиб жиноятларга қарши курашнинг бирдан-бир ва асосий воситаси эмас. Жиноятларнинг олдини олиш чоралари, тарбиявий чоралар, ўтмишнинг кишилар онгидаги қарқитларини кўринишларига ёрдам берадиган сабабларни бартараф қилиш жуда катта аҳамиятга эга.

Жиноят қонунлари асосларининг лойиҳаси жиноят қонунлари чиқариш соҳасида иттифоқчи республикаларга кенг ваколатлар берилишини кўзда тутади. СССР жиноят қонунлари жиноят қонунлари асосларидан ҳамда давлатга қарши ва ҳарбий жиноятлар учун жавобгарликни белгилайдиган иккита умумиттифоқ қонунларидан иборат бўлиши лозим. Бундан ташқари, зарур ҳолларда ССР Иттифоқига, унинг қонун чиқарувчи органлари орқали, жиноий жавобгарлик тўғрисида ва ССР Иттифоқининг манфаатларига қарши қаратилган бошқа жиноятлар учун жавобгарлик тўғрисида қонунлар қабул қилиш ҳуқуқи берилиши лозим. Жиноят қонунлари асосларига мувофиқ ҳамда бошқа умумиттифоқ қонунларини назарда тутиб, иттифоқчи республикалар жиноят кодекслари қабул қиладилар, бу кодексларда конкрет жиноятлар ва шу жиноятлар учун тегишли жазо чоралари белгиланади.

Қонун асослари лойиҳаси бир томондан, давлат ва жамият учун жуда хавфли бўлмаган жиноий ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликнинг камайтирилишини ва юмшатилишини, иккинчи томондан, давлатга қарши энг оғир жиноятлар учун, шунингдек гражданларнинг ҳаётига ва соғлигига қарши жиноятлар учун жавобгарликнинг анча кучайтирилишини кўзда тутади. Комиссия жиноятларни такрорловчи энг хавфли жиноятчиларга қарши курашни айниқса кучайтириш керак деб ҳам ҳисоблайди.

Жиноят қонунлари асослари лойиҳасида фақат муайян жиноят учунгина жиноий жавобгарлик принципи ҳамда ҳар бир кишининг ўзи қилган жинояти даражасига қараб жазо бериш принципи аниқ ва равшан ифодасини топган. Лойиҳада фақат суднинг ҳукми билангина жазо берилиши мумкин, деган жуда муҳим қоида бор. Бунинг маъноси шуки, Қонун билан белгиланган тартибда сайланган суддан ташқари ҳеч қандай бошқа органлар ва муассасалар жиноий ишларни қараб чиқиш, жиноят қилган шахснинг айбдорлигини белгилаш, унга нисбатан жиноий жазо қўлланиш ҳуқуқига эга эмас.

Лойиҳада жамоат иззаси ва штраф сингари жиноий жазоларнинг енгил хилларидан тортиб сургун қилиш ва озодликдан маҳрум қилишгача бўлган хилларининг кенг рўйхати берилган. Бундан ташқари, иттифоқчи республикаларнинг қонунчилиги умумиттифоқ асосларининг принципларига ва умумий низомларига мувофиқ равишда ҳамда маҳаллий хусусиятларни назарга олиб, жазолашнинг бошқа хилларини ҳам белгилаши мумкин.

Совет давлати ўлим жазоси сингари қаттиқ жазони ҳозирча сақлаб қолишга мажбурдир. Лекин лойиҳада бу жазони қўлланиш имкониятни жуда чеклаб қўйилган: бу жазони қўлланишга тинчлик даврида Ватанга хиёнат, жосуслик қилиш, диверсия, террористик иш, оғирлаштирилган ҳолатлар билан қасддан одам ўлдириш ва бандитизм сингари жуда оғир ёвузликлар қилинган тақдирдагина йўл қўйиш мумкин.

Сўнгра докладчи амалдаги қонунларнинг тақдим этилган лойиҳага умуман киритилмаган ва комиссиялар улардан воз кечиш зарур деб ҳисоблаган низомларини кўрсатиб ўтади. Булар орасида — Қонунни аналогия бўйича тадбиқ қилиш ҳуқуқини, яъни жиноят қонунида тўғридан-тўғри кўзда тутилмаган жиноий ҳаракатлар учун кишини суд ҳукми билан суд қилиш ҳуқуқини берадиган низом бор. Шунингдек, баъзи жиноий жазо чораларидан, чупонни, меҳнаткашларнинг душмани деб эълон қилиб, ССР Иттифоқи гражданлигидан маҳрум қилиш ва ССР Иттифоқи тупроғидан ҳайдаш чораларидан ҳам воз кечиш таклиф этилади. Амалдаги асосларнинг, ўтмишдаги фаолияти ёки жиноий мухит билан боғланганлиги сабабли, уларнинг бирор жиноят қилганлиги ёки қилмаганлигидан қатъий назар, социал хавфли деб топилган шахсларга нисбатан таъқибга баъзи ҳоллларда йўл қўйган қоидаси лойиҳада кўзда тутилмаган. Шунингдек, комиссиялар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш сингари жиноий жазо чорасини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага келдилар.

Бизнинг олга томон ҳаракат қилиб борганимиз сари мамлакат ичида синфий кураш кескинлашуви лозим ва шу муносабат билан таъқиб ҳам кучайтирилиши ва кенгайтирилиши лозим, деган хато формула бир вақтлар кенг ёйилган эди. Бунга қарама-қарши суратда лойиҳа шунга асосланадики, дейди ўртоқ Полянский, социалистик қурилиш муваффақиятлари, меҳнаткашлар моддий фаровонлиги ва маданий савиясининг юксалиши, уларнинг ижтимоий онгининг ўсиши энг хавфли жиноятчиларга қарши қаттиқ кураш олиб бориш билан бир қаторда тарбиявий чораларни тобора кўпроқ қўлланишга имкон беради.

Ўн тўрт ёшга тўлган, баъзи ҳолларда эса қатто ўн икки ёшга тўлган ўспиринларнинг жиноий жавобгарликка тортилишига йўл қўядиган амалдаги низом ўрнига лойиҳа ўн олти ёшни ва баъзи жиноятлар учунгина ўн тўрт ёшни минимал ёш деб белгилашни таклиф қилади.

Лойиҳа агар шахс қонун билан белгиланган муддат давомида янги жиноят қилмаса, бундай ҳолларнинг ҳаммасида судланганлик олиб ташланишини кўзда тутади.

Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиялари меҳнаткашларнинг, шунингдек суд-прокуротура ходимларининг жуда кўп истакларини назарга олиб, озодликдан маҳрум қилишнинг максимал муддатини 10 йил, алоҳида оғир жиноятлар учун эса 15 йил қилиб белгилаш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Жазо белгилаш вақтида, дейди ўртоқ Полянский, Ленининг: «Жазонинг огоҳлантирувчилик аҳамияти асло унинг раҳмсизлигида эмас, балки муқаррарлигида» деган машҳур кўрсатмасига амал қилиш керак. Бундан бошқа бир хулоса ҳам келиб чиқади: жиноятчи ўзи қилган жинояти учун жазо берилишигина эмас, балки бу жазони алbatта амалда ўташи лозимлигини ҳам билиши керак.

Афсуски, бизда кейинги вақтларгача шундай бир қоида амалда бўлиб келди ва кўпгина гражданлар ундан ҳаққоний равишда порози эдиларки, бунда қамоқда меҳнат қилган кунлари учун қамоқ муддатини қисқартириш системаси деб аталган системани нотўғри қўлланиш натижасида суд ҳукмининг кучи кўпинча сусайтирилиб келинган эди. Комиссиялар бу хил система тубдан яхшиланиши ёки умуман бекор қилиниши лозим деган фикрга асосланади, токи суд ҳукмида белгиланган жазо муддатини суддан бошқа ҳеч ким ўзгартира олмасин. Хавфли жиноятчиларга ҳеч қандай енгиллик берилмасин — халқнинг талаби ана шу. Биз ҳам бу талабни бажаришимиз лозим.

Сўнгра докладчи давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун лойиҳасини характерлаб беради. Бу қонун давлатга қарши жиноятлар тўғрисида 1927 йилда қабул қилинган амалдаги Низом ўрнини олиши лозим.

Биринчи модда энг оғир жиноятлар учун, Ватанга хиёнат қилгани учун бериладиган жазони белгилайди. Бу моддада Ватанга хиёнат қилиш душман томонига ўтишдан, жосуслик қилишдан, давлат сирини ва ҳарбий сирни очиб беришдан, чет элга қочиб кетишдангина иборат бўлмай, Совет давлати манфаатларига зарар етказиш мақсадида чет элдан СССРга қайтишдан бош тортиш, СССРга қарши душманлик фаолиятини амалга оширишда чет давлатга ёрдам бериш, шунингдек ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида фитна уюштириш ҳам Ватанга хиёнат қилишдан иборат эканлиги кўрсатилган. Лойиҳанинг 8-моддасида уруш пропагандаси учун, бу пропаганданинг қандай шаклда олиб борилишидан қатъий назар, жавобгарлик кўзда тутилади.

Ҳарбий жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳарбий жиноятлар тўғрисида 1927 йилда қабул қилинган ва 1957 йилда қўшимчалар киритилган амалдаги низомнинг ўрнини олиши лозим. Бу қонунда ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қаратилган жиноятлар учун жиноий жавобгарликка доир айрим низомлар аниқроқ баён этилган.

Пировардида, докладчи бундай дейди: Комиссиялар томонидан тақдим этилган қонун лойиҳалари катта коллектив меҳнат натижасидир. Жиноят қонунлари ва жиноий ишлар судловини юргизиш асослари лойиҳалари кенг муҳокама учун матбуотда эълон қилинган эди. Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиялари меҳнаткашлардан жуда кўп тузатишлар ва қўшимчаларни олдилар. Бу тузатиш ва қўшимчалар қонун лойиҳаларини узил-кесил таҳрир қилган вақтда назарга олинди.

ССР Иттифоқи, иттифоқчи ва автоном республикалар суд тузилиши тўғрисидаги қонун асослари, ҳарбий трибуналлар тўғрисида Низом ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқчи республикаларнинг жиноий ишлар судловини юргизиш асослари ҳақидаги Қонун лойиҳалари тўғрисида

Миллатлар Совети Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиясининг раиси депутат Ж. Р. Расулов доклади

Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг Қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиялари, дейди ўртоқ Расулов, уч қонун лойиҳаси тўғрисида: ССР Иттифоқи, иттифоқчи ва автоном республикалар суд тузилиши тўғрисидаги Қонун асослари ҳақида, ҳарбий трибуналлар тўғрисида низом ҳақида, ССР Иттифоқи ва иттифоқчи республикаларнинг жиноий ишлар судловини юргизиш асослари ҳақидаги қонун лойиҳалари тўғрисида СССР Олий Советига доклад қилишни менга топширди. Комиссиялар ана шу қонун лойиҳаларини тайёрлаганда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иттифоқчи республикалар суверен ҳуқуқларини кенгайтиришга, уларнинг хўжалик, маданий ва давлат қурилишидаги ролини оширишга қаратилган қарорларига ҳамда тўртинчи чақириқ СССР Олий Совети 6-сессиясининг иттифоқчи республикаларнинг қонун чиқариш соҳасидаги ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисидаги қарорларига асосландилар. Комиссиялар партия XX съездининг қарорларига амал қилдилар. Партия XX съезди совет қонунчилигини мустаҳкамлаш, гражданларнинг Совет Конституциясида таъминланган ҳуқуқларига қаттиқ риоя қилиш соҳасида КПСС Марказий Комитети томонидан амалга оширилган тадбирларни тўла маъқуллаш ҳамда барча партия ва совет органларига қонунчиликни ҳушёрлик билан қўриқлаш, қонунга хилоф бўлган ҳар қандай ишларга, ўзбошимчалик, социалистик ҳуқуқий тартибларни бузиш ҳолларининг ҳаммасига қатъий ва қаттиқ зарба бериш вазифасини юклади. Қонун лойиҳалари устида олиб борилган ишларда совет жамоатчилигининг кенг доиралари иштирок этди. Қонун лойиҳалари барча иттифоқчи республикаларда ва бир қанча автоном республикаларда кўпгина давлат ва жамоат ташкилотлари вакилларининг иштироки билан муҳокама қилинди. Бу тадбир умумиттифоқ ва республика қонунларини қўлланиш соҳасидаги кўп йиллик тажрибани, тергов, суд ва прокуратура органларининг иш тажрибасини, шунингдек, совет юридик фани эришган қимматли нарсаларни ҳисобга олиш ва қонун лойиҳаларида акс эттириш имкониятини берди.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўртоқ А. Н. Шелепинни СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитети раиси қилиб тайинлаш тўғрисида

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети **қарор қилади:**

Ўртоқ Александр Николаевич **Шелепин** СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси қилиб тайинлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ

Москва, Кремль 1958 йил 25 декабрь.

Навбатдан ташқари Тошкент область X партия конференциясининг очилиши тўғрисида

Навбатдан ташқари X область партия конференцияси шу йил 30 декабрь эрталаб соат 10 да Свердлов номидаги концерт залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

ССР Иттифоқи, иттифоқчи ва автоном республикалар суд тузилиши тўғрисидаги қонун асослари, ҳарбий трибуналлар тўғрисида Низом ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқчи республикаларнинг жиноий ишлар судловини юргизиш асослари ҳақидаги Қонун лойиҳалари тўғрисида

Миллатлар Совети Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиясининг раиси депутат Ж. Р. Расулов доклади

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Сўнгра, Ўртоқ Расулов қонун лойиҳаларини қисқача характерлаб берди. У айтадики, ССР Иттифоқи, иттифоқчи ва автоном республикалар суд тузилиши тўғрисидаги қонун асослари лойиҳаси социалистик одил судлов вазифаларини бедгилайди ҳамда суд органлари тузилиши ва фаолиятининг асосий принципларини баён этиб беради. Лойиҳа суд органларининг содда ва аҳоли учун қулай бўлган амалдаги системасини сақлаб қолиш зарурлигини назарда тутади, ССР Иттифоқи, иттифоқчи ва автоном республикалар суд органларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти асосий принципларини, чунончи: одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши; ҳамма судларнинг сайлов асосида ташкил қилиниши; ҳамма судларда ишларнинг халқ маслаҳатчилари иштирокида қараб чиқилиши; судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунгагина бўйсуниши; ҳамма судларда ишларнинг очиқ кўрилиши ва айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқининг таъминланиши принципларини акс эттиради.

Лойиҳа халқ судларининг амалдаги системасини бир мунча ўзгартиришни: халқ судлари участка системасининг тугатилишини ҳамда унинг район ёки шаҳар ягона халқ суди билан алмаштирилишини кўзда тутади.

Лойиҳа халқ судларини сайлаш тартибига муҳим ўзгартишлар киритади. Халқ судьяларининг ваколат муддатини уч йилдан беш йилгача узайтириш кўзда тутилади. Халқ маслаҳатчиларини уларнинг иш жойида ёки турар-жойида ишчи, хизматчи ва деҳқонларнинг умумий йиғилишларида, ҳарбий қисмларда эса, ҳарбий хизматчиларнинг умумий йиғилишларида икки йил муддатга сайлаш таклиф этилади.

Судлов фаолияти устидан жамоатчилик контролини кучайтириш мақсадида халқ судларининг бевосита сайловчилар олдида ҳисобот бериши, шунингдек, бошқа ҳамма судларнинг эса, ўзларини сайлаган меҳнаткашлар депутатлари Советлари олдида ҳисобот беришлари белгиланади.

Кейинги йилларда иттифоқчи республикалар суд органларининг компетенцияси кенгайтирилди. Одил судловни амалга оширишда уларнинг ролини янада кучайтириш мақсадида иттифоқчи республикалар олий судлари пленумларини тузиш кўзда тутилади.

Ҳарбий трибуналлар тўғрисидаги низом лойиҳаси, деди сўнгра докладчи, суд тузилиши тўғрисидаги қонун асослари лойиҳаси билан маҳкам боғланган. Бу қонун лойиҳасидаги асосий, белгиловчи низомлар аслда суд тузилиши тўғрисидаги қонун асослари низомлари билан бир хилдир. Чунки ҳарбий трибуналлар СССР суд органларининг ягона системасига кируувчи судлар бўлиб, қуролли кучларда одил судловни амалга ошириш учун тузилгандир. Улар ишларни кўриш вақтида барча судлар учун ягона бўлган қонунларга ҳамда одил судловни амалга ошириш принципларига амал қиладилар. Бироқ, ҳарбий трибуналлар тузилишида ва компитенциясида ўзига хос маълум хусусиятлар ҳам бор. Булар армиядаги турмуш хусусиятлари билан белгиланади. Шу билан бирга, ҳарбий трибуналларнинг судлов ваколатлари белгилайди.

Лойиҳа бутун процессуал фаолиятда суднинг раҳбарлик мавқеи тўғрисидаги ленинча идеяни ифодалайди: Суд—гражданларни жиноят қилишда айбли деб топиш ва уларга нисбатан жиноий жазо қўлланиш ҳуқуқига эга бўлган бирдан-бир давлат органидир.

Ўртоқ Расулов социалистик жамиятда жиноятларни тамомила тугатиш учун, жамоатчиликка қарши ҳодисаларни тамомила йўқотиш учун барча объектив шарт-шароит ва имкониятлар вужудга келтирилганлигини таъкидлайди.

Жиноятларга қарши курашнинг муваффақиятлироқ бўлиши учун, дейди докладчи, жиноий ишлар терговни ва судда кўриш процессини яхшилаш зарур. Шуни назарга олиб, судга бериш тартибини жиддий ўзгартириш таклиф қилинади. Ҳозирги вақтда ҳамма ишлар бўйича судга бериш суд бошқарув мажлиси томонидан амалга оширилмоқда. Ҳолбуки, ҳамма ишларни ҳам бошқарув мажлисида кўришнинг ҳожати йўқ. Асослар лойиҳаси одатда судга бериш тўғрисидаги қарор судьянинг якка ўзи томонидан қабул қилинади, деб белгилайди.

Асослар лойиҳаси гражданларнинг СССР Конституцияси ва иттифоқчи ҳамда автоном республикалар Конституциялари таъминлаган ҳуқуқларини қўриқлашни кучайтиришга алоҳида эътибор беради. Қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссиялари шунга асосланадиларки, жиноий ишлар судловини юргизишнинг асосий мақсади социалистик жамиятнинг қўриқланишини, гражданлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг қўриқланишини таъминлашдан — меҳнаткаш кишини унинг ҳаётини, соғлигини, шаънини, унинг ҳалол меҳнат билан топган мол-мулкини бутун чоралар билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир.

Асослар лойиҳаси шуни назарда тутиб, жиноятдан жабрланувчи кишининг ҳуқуқларини, шунингдек, айбланувчининг ҳуқуқларини анча кенгайтиради.

Лойиҳа жамоат қораловчилари ва ҳимоячиларининг судларда иштирок этиш тартибини белгилайди. Судлов ишларида жамоатчилик вакилларининг иштирок этиши жиноят қилишда ҳақиқатан ҳам айбли бўлган шахсларни тезроқ фош қилишга ҳамда социалистик одил судловнинг тарбиявий ролини кучайтиришга ёрдам беради.

Суд тузилиши ва жиноий ишлар судловини юргизиш принципиал низомларини баён этиб берувчи умумиттифоқ асослари қабул қилиниши суд тузилиши ва судлов тўғрисидаги республика қонунлари учун мустаҳкам база яратади ҳамда иттифоқчи республикаларга умумиттифоқ асосларига тамомила мувофиқ равишда тузилган ва айни бир вақтда иттифоқчи республикаларнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган янги республика кодекслари ва қонунларини яқин вақт ичида тасдиқлашга имкон беради. Суд тузилиши ва судлов тўғрисидаги янги қонун Асосларининг қабул қилиниши совет юридик фани олдига ҳам янги вазифаларни қўяди.

Пировардида, Ўртоқ Расулов айтадики, суд тузилиши ва судлов тўғрисидаги қонун Асосларининг қабул қилиниши социалистик қонунчиликни, совет ҳуқуқ тартибларини ва гражданларнинг ҳуқуқини қўриқлашни янада мустаҳкамлаш соҳасида муҳим тадбир бўлади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг доимий комиссияларида

Тошкентда бир неча кундан бўён Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг ва қонун лойиҳалари тайёрлаш комиссиясининг мажлислари ўтказилмоқда.

Бюджет комиссияси республиканинг 1958 йилги бюджетини бажариш якунларини ҳамда республиканинг 1959 йилги, Ўзбекистон ССР ҳукумати томонидан Олий Советнинг навбатдаги сессияси тасдиқига киритиладиган давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилмоқда. Бунинг учун бюджет комиссияси томонидан бир қанча тайёрлов комиссиялари тузилди. Бу комиссиялар айрим министрликлар ва бошқармаларнинг хўжалик соҳасидаги ишини ҳар тарафлама анализ қилмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Бюджет комиссияси ўзининг мажлисларида республика маданият министри ўринбосари С. Э. Азимовнинг кинофикация ва кино хизмати кўрсатиш ишларининг аҳволи тўғрисидаги докладини, ҳамда маданият министрлигининг ва Ўзбекбирлашув правлениеси раиси Х. Ю. Юнусовнинг китоб савдосининг аҳволи тўғрисидаги докладларини, республика қурилиш министри С. И. Иброҳимовнинг 1958 йилда министрликнинг молия-хўжалик иши тўғрисидаги докладини яна шу масала юзасидан Бухоро халқ хўжалиги кенгаши раиси ўринбосари А. И. Охунжоновнинг докладини, Тошкент область ижроия комитетининг раиси Х. Ж. Жалиловнинг 1958 йилда область халқ хўжалиги плани ва бюджетининг бажарилиши ҳақидаги докладини, республика қишлоқ хўжалик министри ўринбосари В. Г. Макотронинг ипакчилик бош бошқармасининг иши ҳақидаги докладини, республика автомобиль транспорти ва тош йўллар министри И. Р. Стрельцовнинг бюджет топшириқларининг бажарилиши тўғрисидаги докладини ҳамда Тошкент халқ хўжалиги кенгаши раиси Э. Эгамбердиевнинг машинасозлик, бинокорлик материаллари ва озиқ-овқат саноати бошқармаларининг иши тўғрисидаги докладини эшитди ва муҳокама қилди.

Бюджет комиссияси шунингдек Ўзбекистон ССРнинг 1959 йилги халқ хўжалик плани ва Давлат бюджети билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳам қараб чиқади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш комиссияси меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар ва посёлка советлари тўғрисидаги низом лойиҳаларини муҳокама қилмоқда. (ЎзТАГ).

КОМСОМОЛ КОМИТЕТЛАРИ ЛЕКТОРЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКАЛАРАРО СЕМИНАРИ

ВЛКСМ Марказий Комитети томонидан Тошкентда чақирилган табиий-илмий ва илмий атеистик пропаганда масалаларини ёритувчи лекторларнинг республикалараро семинари олти кун давом қилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон комсомол комитетларининг лекторлари фан ёришган энг янги муваффақиятлар тўғрисида, табиий-илмий ва илмий атеистик пропагандаданинг шакл ва методлари тўғрисида бир қанча лекциялар тингладилар. Бу лекцияларни Москва ва Тошкентнинг илмий ходимлари қилдилар. Семинар қатнашчилари тўпланган тажрибаларини ўртоқлашдилар, саноат корхоналарига ва шаҳар атрофидаги колхозларга, музейларга ва Тошкентнинг бошқа маданий-оқартув муассасаларига экскурсияга бордилар. (ЎзТАГ).

Шаҳар аҳолисига маиший хизматни тубдан яхшилайлик

(Тошкент шаҳар Советининг сессиясидан)

Яқинда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг VI чақириқ IX сессияси бўлиб ўтди. Депутатлар сессия мажлисида «Шаҳар аҳолисига маиший хизматни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилдилар.

Шу масала юзасидан доклад қилган меҳнаткашлар депутатлари шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ўртоқ М. Йўлдошев Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг моддий бойликларни яратувчи — меҳнат кишиларининг фаровон ҳаёт кечиришлари учун тинмай гамхўрлик қилиб келаётганликларини ёркин мисолларда ифодалаб берди.

— Тошкент меҳнаткашларининг, — деди докладчи, — моддий шароитларини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Шаҳарда маданий-маиший корхоналарнинг тармоқлари тобора кенгайиб бормоқда, коммунал корхоналар, шаҳар транспорти ва маданий-оқартув муассасаларининг ишлари йил сайин яхшиланмоқда.

Докладчи Горпромсовет, Гостбанк-трест, «Водоканал» трести, трамвай-троллейбус трести, автотранспорт бошқармаси, шаҳар телефон станцияси, «Горгаз» трести каби шаҳар аҳолисига маиший хизмат қилиш соҳасида рўй бераётган камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар.

Шаҳар ҳунармандчилик советига қарашли артеллар 11 ойлик планни 105 процент бажариб, аҳолига ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан 4 миллион сўмлик кўп хизмат қилган.

Шаҳарда ҳаммаси бўлиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган 635 та корхона бор. Бу корхоналар кийим-кечак, пойафзал тикиш ва ямаш, мебелларни, уй-рўзғор буюмларини ремонт қилиш, сартарошлик, сурат олиш ва бошқа хизматларни бажарадилар. Бу йил квартираларга электр ўтказиш ва ремонт қилиш, телевизор, холодильникларни тузатиш каби янги устахоналар ташкил қилинди.

— Шаҳарнинг обод ва кўркам бўлиб бораётганлиги ҳам, — деди Ўртоқ Йўлдошев, — меҳнаткашларнинг фаровон ҳаёти ҳақида қилинаётган катта гамхўрлик намунасидир. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар ободончилигига 32 миллион сўм сарфланди, кўчаларга, майдонларга 1282 минг квадрат метр асфальт ётқизилди, 150 минг туп дарахт ўтқазилди, 145 кўча ёритилиб, 2500 электр лампочка ўрнатилди ва 70 та трансформатор киоскаси қурилди, водопроводнинг суви 16 минг кубометрга кўпайтирилди. 229 та умумий фойдаланиш ва 1578 якка тартибдаги колонкалар қурилди.

Шунинг билан бирга докладчи, санитария, ободончилик ишлари ва айниқса меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатиш аҳолининг тобора ўсиб бораётган талабидан анча орқада қолаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Докладчи ҳам, музокарада қатнашган депутатлар ҳам шаҳар аҳолисига маиший хизмат қилиш соҳасида рўй бераётган камчиликларни рўй-рост очиб ташладилар.

Шаҳар ҳунармандчилик совети (раиси ўртоқ Муҳамедов) аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг ишини яхшилаш, бу корхоналарни халқнинг талаб ва эҳтиёжига қараб ривожлантириш масалалари билан қоникарсиз шуғулланмоқда. Шаҳар ижроия комитетининг мавжуд маиший корхоналар ишини тартибга солиш, янги корхоналар очиш ҳақидаги муҳим қарорлари амалга оширилмаётир.

Кийим тикиш устахоналарининг иш сифати паст, буюртмалар ўз вақтида битказиб берилмайди. Артелларда ўз шахсий манфаатларини умум манфаатидан юқори қўяётган кишилар кўп. Бу шунинг натижасида рўй бермоқдаки, шаҳар ҳунармандчилик советининг раҳбарлари корхоналарда кадрларни танлаш, уларни тарбиялаш масалалари билан шуғулланмаётирлар.

Сессияда биринчи бўлиб сўзга чиққан Фрунзе район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Ғуломов маиший хизмат кўрсатадиган корхона ва точкаларнинг жуда кўп қисми шаҳарнинг марказий жойларига тўпланиб қолганлигини танқид қилиб, шаҳарнинг Чиланзор, Козирабод, Думбираобод каби чекка жойларида маиший корхоналар очишга эътибор берилмаётганлигини айтди.

— «Ўзбексельмаш» заводида, — деди шу заводнинг 5-цех бошлиғи Ўртоқ Шобурҳонов, — маиший комбинат бор. Бу комбинат асосан ишчиларнинг буюртмаларини бажариш билан шуғулланиши лозим. Лекин комбинат ходимлари ўз планларини ишчиларнинг буюртмалари ҳисобига эмас, турли йўллар билан четдан олинган ишлар ҳисобига бажармоқда. Бу комбинатнинг ишчиларга фойдаси камдан-кам тегади. Артель айрим шахслари бойитиш учун эмас, халқнинг талабини қондириш учун ишламоғи керак. Ўртоқ Шобурҳонов йўлкаларга асфальт ётқизилиб, орадан бир ой ўтар-ўтмас худди шу асфальт ётқизилган жойдан траншея қазилишини танқид қилди. Яна у «Ўзбексельмаш» заводи районида ҳаммом қурилишини ва мебель магазини очилишини завод ишчилари номидан талаб қилди.

Музокарада қатнашган шаҳар ҳунармандчилик советининг раиси Ўртоқ Муҳамедовнинг сўзи депутатларни қаноатлантирмади. Чунки Ўртоқ Муҳамедов ўз сўзида ҳунармандчилик совети ишида рўй бераётган жиддий камчиликларни очиб ташлаб, бу камчиликларни бартараф қилиш тадбирларини айтиб бериш ўрнига турли баҳоналар билан ўзини оқлашга уриниди.

«Тўртинчи беш йиллик» артелининг раиси Ўртоқ Акбарова хотин-қизларнинг уй-рўзғор ишларини енгиллаштириш соҳасида қилинаётган гамхўрлиги янада кучайтириш кераклиги тўғрисида гапирди. Сўнгра, у кўп қаватли биноларнинг биринчи қаватини аҳолига маиший хизмат қилувчи корхоналарга бериш лозимлигини айтди.

Шаҳар Совети доимий комиссиясининг раиси Ўртоқ Шкультин мебель комбинати ва шу каби айрим корхоналар турли баҳоналар билан аҳолига яхши хизмат кўрсатмаётганликларини танқид қилиб ўтди.

Сессияда Куйбишев район ижроия комитети раиси вазифасини бажарувчи Ўртоқ Қобилов, телефон станциясининг бошлиғи Гривенко, «Искра» артелининг раиси Шомансурова, Тошкент РЭС бошлиғи Бобович ўртоқлар ҳам сўзладилар.

Ўртоқ Шомансурованинг минбардан туриб айтган танқидий мулоҳазаларини депутатлар қизиқиб тингладилар.

Сессияда кўрилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига пухта тайёрланайлик

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатини олиш кунлари яқинлашиб келмоқда. 1959 йил 15 январда бошланадиган аҳоли рўйхати муҳим сиёсий ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган катта воқеадир.

Бу умумхалқ ишига областимиз меҳнаткашлари катта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Пискент районидаги Пискент, Оқтепа, Саид, Муротали қишлоқ Советларининг, — деб ёзади Ўртоқ **Назрулла Бекназаров**, — навбатдан ташқари сессиялари ўтказилди. Бу қишлоқ Советларининг сессияларида, шунингдек меҳнаткашлар депутатлари район Советининг яқинда бўлиб ўтган сессиясида Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёргарлик масалалари муҳокама қилинди ва шу масала юзасидан тадбирлар белгиланди.

Район партия комитетида бошлангич партия, комсомол комитетлари секретарлари ва агитпункт мудирларининг бир кунлик семинари ўтказилди. Семинарда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг сиёсий моҳияти ва мақсади ҳақида тушунтириш ўтказилди.

Буларнинг ҳаммаси районда тайёрлик ишларини кучайтириб юборишга катта ёрдам берди. Ҳозир 450 дан ортиқ агитатор аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормоқда.

Мухбирларимиз **М. Шаменов** ва **Д. Куримбоев** ўртоқларнинг хабар қилишича, Қуйи Чирчиқ районида аҳоли рўйхатига тайёргарлик ишлари анча яхшиланган. Рўйхатга олиш бўлимлари учун биноларнинг ажратиб берилган ва ҳисобчилар рўйхатга олиш учун зарур нарсалар билан таъминланганлар.

Янгийўл районидан хат ёзиб юборган ўртоқ **В. Бобохонов** районда малакали инструктор-назоратчилар тайёрлаш мақсадида семинар ташкил қилинганлигини хабар қилади. Район рўйхат бўлими мудирининг ўринбосари Ўртоқ Н. Ким раҳбарлигида ўтган бу семинар самарали бўлди. Семинарда қатнашган 26 инструктор-назоратчи рўйхат варақасида берилган 15 саволга қандай жавоб бериш ва рўйхат натижаларини назорат қилиш тартиб-қоидаларини пухта ўрганди. Улар семинар охирида ўтказилган синовда яхши баҳо олдилар. Яна шу райондан ўртоқ **Б. Гольдин** районда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг моҳияти ва вазифалари ҳақида лекциялар, суҳбатлар ўтказилаётганлигини хабар қилади.

Лекин айрим жойларда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёргарлик ишларига етарли эътибор берилмаётир. Масалан, Ўрта Чирчиқ районининг қўйгина қишлоқ Советларида бу масала билан жиддий шуғулланилмаётганлиги ҳақида мухбиримиз **М. Убайдуллаев** хабар қилади.

Маҳаллий партия, совет, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг ҳозирги вазифаси Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатига тайёргарлик ишларида рўй бераётган камчиликларни тезда тугатиб, бутун жамоатчиликнинг диққат-эътиборини бу муҳим давлат ишига жалб қилишдан иборат.

Партия сафларининг ленинча бирлиги— КПСС куч ва қудратининг манбаи

В. И. Ленин XIX асрнинг охирида ишчиларнинг марксистик тўгаракларини революционерларнинг жанговар иттифоки қилиб бирлаштириб, Россияда пролетар партиясига, янги типдаги партияга асос солди. Ленин, ўсиб бораётган рус революцион ишчилар ҳаракатига таяниб, шунингдек халқаро ишчилар ҳаракатининг бутун тарихий тажрибасига амал қилиб, янги типдаги Коммунистик партияни марксизмнинг гранитдек мустаҳкам ғоявий асосида вужудга келтирди. Ленин шу тўғрида гапириб, бундай деган эди: «Россия бирдан-бир тўғри революцион назария бўлган марксизмни ярим асрлик тарих давомида чиндан ҳам жуда қийналиб ва қурбонлар бериб, мислсиз кўрилмаган революцион қаҳрамонлик, жуда зўр ғайрат ва фидокорлик билан йўл излаб, ўрганиб, практикада синаб кўриб, умидсизликка тушиб, Европа тажрибасини текшириб, таққослаб кўриб, азоб-уқубатлар билан қўлга киргизди». (В. И. Ленин. Асарлар, 31 том, 10-бет).

В. И. Ленин ўзи ташкил этган партия олдига аниқ мақсадлар қўйди ва уни Россия революцион ҳаракатининг ҳали синаб кўрилмаган йўлларидан дадил бошлаб борди. Ленин таълим бериб, партия, пролетариат синфий ташкилотининг олий формасидир, пролетариат диктатураси фақат унинг йўл кўрсатувчи кучи бўлган партия оркалигина амалга оширилиши мумкин деди.

В. И. Ленин партия ижтимоий тараққиёт ва сиёсий курашнинг қонунларини билган илғор, онгли отрядгина бўлиб қолмай, балки программа, тактика ва ташкилий тарафларининг бирлиги, интизом, ирода ва ҳаракат бирлиги билан жиплашган, уюшган отряддир деб таълим берди.

В. И. Ленин ўзининг бир қанча асарларида, ёзган хатларида, сўзлаган нутқларида, жумладан «Искра» редакциясига ёзган хатида, партия III съездини чақириш тўғрисида РСДРП кенгашида сўзлаган нутқида, «Бир қадам олга, икки қадам орқага» номли асарида партия X съездида қилган докладида ва бошқа бир қанча асарларида партиямизнинг бузилмас бирлиги тўғрисида буюк таълимот яратиб, партияни, партия бирлигини кўз қорачиғидек сақлаш кераклигини ўргатиб келди. Партиянинг ғоявий ва ташкилий бирлиги шундай буюк кучки, бу куч партияга энг мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Партиядаги барча аъзоларнинг ирода ва ҳаракат бирлигини амалга ошириш ҳамда партия олдида турган вазифаларни амалга ошириш учун партия сафлари ғоят мустаҳкам, уюшган бўлиши керак. Ленинча партиянинг ўзи уюшқоқлик, темир интизом ва мустаҳкам бирлик намунасидир.

В. И. Ленин таълим бериб айтадики, партия бирлигини сақлаш мақсадида темирдек мустаҳкам пролетар интизоми, партия ҳаётининг уставида белгиланган мустаҳкам қоидалар бўлиши, бу интизом ва қоидалар партиянинг ҳамма аъзолари учун — раҳбарлар учун ҳам, оддий аъзолар учун ҳам бир хил даражада мажбурий бўлиши керак. Коммунистик партия ўз амалий фаолиятида доҳийнинг ана шу кўрсатмасига доим амал қилиб келди ва келмоқда. Партиянинг ленинча бирлиги ўн йиллар мобайнида троцкийчиларга, ўнг таслимчиларга, буржуа миллатчиларига қарши ва халқнинг бошқа энг ёвуз душманларига қарши муросасиз қаттиқ курашда чиниқди ва мустаҳкамланди. Дарҳақиқат, Коммунистик партия ички ҳаёти тараққиётининг бутун тарихи — партия қаторларининг бирлиги учун кураш тарихи, партия ичидаги оппортунистик группаларга, — меньшевикларга, троцкийчиларга, буржуа миллатчиларга, шунингдек фракционерларга ва сектанчиларга қарши кураш ҳамда уларни тор-мор келтириш тарихидир.

Коммунистик партия куч-қудрати ва енгилмаслигининг манбаи шундаки, у ўз ичида фракциячиларнинг бўлишига йўл қўймайдиган коммунистларнинг ягона ва мустаҳкам бирлашган монолит ташкилотидир. Шу сабабдан партия ўз аъзоларидан бир қисмининг партиядан ажралиб алоҳида фракция тузишига йўл қўя олмайди. Чунки, партия ичида бир-бири билан курашадиган фракциячиларга, сектанчиларга, партияга қарши бирон платформа асосида тузилган группаларнинг яшовига йўл қўйиш партияни ичидан бузишга, уни йўқ қилишга олиб келади. Шуни назарда тутиб, 1921 йилдаёқ партиянинг X съезди В. И. Ленин таклифига кўра «Партия бирлиги тўғрисида» алоҳида резолюция қабул қилган эди. Бу резолюция партияда ҳар қандай фракциячиликни тақиқлади ва бунга бўйсунмаганларни дарҳол партиядан чиқаришни шарт қилиб қўйди.

Маълумки, Маленков, Каганович, Молотов, Булганин ва уларга қўшилган Шепиловларнинг партияга қарши группаси КПСС Марказий Комитетининг саноат, қишлоқ хўжалиги ва халқ моддий фаровонлиги соҳасида, шунингдек ташқи сиёсат соҳасида амалга ошириб келаётган барча тадбирларига шубҳа билан қарадилар ва бу тадбирларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилди. Группа қатнашчилари совет жамияти тараққиёти ва бутун социалистик лагерь мамлакатлари эришган янгиликларни кўрмадилар. Улар ҳамма муҳим масалаларда консерватизм позициясида туриб, КПСС XX съезднинг қарорларига қарши чиқдилар.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган декабрь Пленуми Маленков, Каганович, Молотов, Булганин, Шепиловларнинг партияга қарши группасининг халқдан ажралиб, халқнинг ҳаётий манфаатларига очиқдан-очиқ қарши чиққанликларини яна бир карра кўрсатиб ўтди. Партияга қарши бу группа партиянинг кўриқ ерларни ўзлаштириш сиёсатига қарши, қишлоқ хўжалигини планлаштиришдаги янги тартибга қарши кураш олиб борди, чорвачиликни тез юксалтириш ва аҳоли жон бошига чорвачилик маҳсулотлари етиштириш соҳасида яқин йиллар ичида АҚШга етиб олиш вазифасини ҳал этиш учун илғор колхоз ва совхозлар томонидан бошланган ватанпарварлик ҳаракатини бўғишга уринди, колхозчилар, ишчилар ва хизматчилар хўжаликларининг гўшт, сут, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятидан озод қилинишига қарши чиқди.

КПСС Марказий Комитети томонидан фош қилинган ва тор мор келтирилган ҳамда партия ва халқ томонидан улоқтириб ташланган ана шу разил фракциячилар группаси шармандаи-шармисор бўлганлиги эндиликда ҳаммага аёндир.

Партиямизнинг ва бутун совет халқининг саноатни ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш йўлидаги кураши катта ғалабалар билан якунланди. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти анча миқдорда ортди. 1949-1953 йиллар даврида йилига ўрта ҳисобда 300 миллиард сўмдан сал камроқ қишлоқ хўжалик маҳсулоти тайёрланган бўлса, 1954-1958 йиллар даврида (таққослаб олинган нархларда) 400 миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот тайёрланди. 1958 йилда 8,5 миллиард пуд ялпи дон ҳосили, ёки 1953 йилдагига нисбатан 69 процент кўпроқ дон ҳосили олинди. Ғалла тайёрлаш плани ошириб бажарилди — 1958 йилда давлат ресурсларига 3,5 миллиард пуд дон тушди. Мамлакатимиз ўзининг бутун тарихида бунчалик кўп ғаллага эга бўлмаган эди. Давлат қўриқ ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш билангина чегараланмай, балки 18 миллиард сўмдан кўпроқ соф даромад ҳам олди. Бу партиямиз сиёсатининг тўғрилигини кўрсатучи ёркин далилдир.

Партия сафларининг ленинча бирлиги халқаро коммунистик ҳаракат ривожланишининг ҳал қилувчи шартидир. Коммунистик ва ишчилар партиялари вакиллари кенгашларининг якунлари тўғрисида тарихий қарор қабул қилган КПСС Марказий Комитетининг 1957 йил декабрь Пленуми, ўша йили ноябрда Москвада бўлиб ўтган кенгашдар, социалистик лагернинг ва бутун халқаро коммунистик ҳаракатнинг марксизм-ленинизм ғоявий негизида янада жиплашганлигини кўрсатди.

Социалистик лагерга кирадиган давлатлар ва уларда раҳбарлик қилаётган партиялар ўртасида қарор топган бирликнинг назарий асоси пролетар интернационализмидир. Социалистик мамлакатлар ва уларда етакчи партияларнинг интернационал бирлиги уларнинг социализм йўлига кирганликларида, бир хил ижтимоий ва давлат тузуми ўрнатганликларида, ўзаро ҳамкорликларида, империализм лагерига қарши бирлашиб ҳаракат қилаётганликларида, манфаат ва мақсадларнинг бирлигида, ягона марксча-ленинча идеологияга амал қилганликларида ўзининг ёркин ифодасини топмоқда.

Коммунистик партиянинг раҳбарлиги совет тузуми мустақиллиги ва дахлсизлиги, қудрати ва обрўсининг, халқимиз эришган ғалабаларнинг ҳал этувчи гаровидир. КПСС социализм қурилишининг Ленин ишлаб чиққан ва илмий жиҳатдан асослаб берган программасини оғишмай изчиллик билан амалга ошириб, хўжаликка раҳбарлик қилишнинг форма ва методларини такомиллаштира бориб, коммунистик қурилишнинг энг муҳим масалаларини бутун партиянинг муҳокамасига қўймоқда. У партия XX съездидан кейин бўлиб ўтган Пленумларида саноатни, қишлоқ хўжалигини, бутун социалистик экономикани янада зўр куч билан юксалтиришнинг туб масалаларини ишлаб чиқди ва бу соҳада ғоят катта муваффақиятларга эришди ва эришмоқда.

Коммунистик партия ўзининг миллий сиёсатида марксизм-ленинизм принципларига қаттиқ амал қилиб, барча иттифоқчи республикалар ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг экономикаси ва маданиятини янада ривожлантириш йўлида ғоят муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Бунинг самарасини барча қардош республикалар, шу жумладан республикамиз эришаётган буюк ютуқлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Ҳозирги вақтда республикада 1300 дан кўпроқ йирик саноат корхонаси, саноат ишлаб чиқаришнинг 70 дан ортиқ тармоғи бор. Қишлоқ хўжалиги эса тубдан ўзгарди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Бразилия, Покистон, Туркия ва Эрон сингари пахтакор мамлакатларнинг ҳаммаси ишлаб чиқараётган пахта толасига тенг келадиган миқдорда тола ишлаб чиқармоқда.

Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам коммунистик жамият қурилишининг улуғвор программаси бўлган Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг КПСС XXI съездида қиладиган доклади тезисларини зўр сиёсий кўтаринкилик билан муҳокама қилмоқдалар ва бу вазифани бажаришни ўзларининг шарафли бурчи эканликларини намойиш қилмоқдалар.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959-1965 йилларга мўлжалланган контроль рақамларида Ўзбекистонда келгуси йилликда 35-36 миллиард сўм миқдорида капитал маблағ сарфлаш белгиланмоқда, бу аввалги етти йилдагига нисбатан 2,4 баравар кўпдир. Етти йилликда саноат ялпи маҳсулотини ишлаб чиқариш 80 процентдан зиёдроқ кўпаяди. 1965 йил охирига бориб йиллик етиштириладиган ва тайёрланадиган пахта ҳажмини 3 миллион 800 минг тоннага етказиш белгиланмоқда. Етти йил ичида республика 23 миллион 600 минг тонна — 1951-1957 йилдагига нисбатан 5 миллион 800 минг тонна кўп пахта тайёрлайди. КПССнинг жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон Коммунистик партияси, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари бу улуғвор вазифаларни шараф билан бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Совет социалистик жамиятида раҳбар ядро ҳисобланган партиямизнинг коммунистик жамият қурилиши учун олиб бораётган қураши, унинг совет халқи эришган барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси эканлигини, партия сафларининг бирлиги ва монолит бўлиб жиплашганлигини ёркин намойиш қилиб кўрсатмоқда.

З. ИСАМУҲАМЕДОВ.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Ўртасарой райкомининг иши нега қониқарсиз топилди

(РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИДАН)

— Йил бўйи, — деб бошлади ўз сўзини «Полярная звезда» колхозининг полеводи Ўртоқ Тоштанов, — район раҳбарлари ҳам, колхозларнинг раҳбарлари ҳам пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириш ҳақида қайта-қайта ваъдалар бериб келдилар. Лекин улар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун ҳаракат қилмадилар, жавобгарликни унутиб қўйдилар. Оқибатда пахта ва бошқа экинлардан жуда кам ҳосил олинди.

Ўртоқ Тоштановнинг гапида жон бор. Ҳақиқатан ҳам район партия комитетининг секретарлари ва район ижроия комитетининг раҳбарлари, шунингдек колхоз раҳбарлари бу йил 8500 гектар майдонининг ҳар гектарида 25,3 центнердан ҳосил етиштириш ва давлатга 21.500 тонна пахта сотиш ҳақида район пахтакорлари олган социалистик мажбурият бажарилади, деб ҳаммани ишонтириб келдилар.

Лекин натижа бутунлай бошқача бўлиб чиқди. Районда пахта тайёрлаш плани атиги 74,66 процент бажарилди. Ҳар гектар ердан 17,3 центнердан ҳосил олинди. Давлатга мажбурият ўеқда турсин, ҳатто пландагига нисбатан қарийб 5200 тонна пахта кам топширилди. Ҳар гектар ердан ўтган йилдагига қараганда 5,4 центнер, 1956 йилдагига нисбатан эса 9 центнер кам ҳосил олинди.

Райондаги 10 колхоздан атиги биттаси — Охунбобоев номли колхоз пахта тайёрлаш планини бажарилдигина эмас, ҳатто ҳосилдорлик 1957 йилдагига нисбатан кескин равишда камайиб кетди.

Етиштирилган ҳосилнинг бир қисми ҳалигача даладан йиғиб олинганича йўқ. Келгуси йил ҳосилига тайёргарлик кўриш мутлақо қониқарсиз бораётир.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги аҳвол ҳам бундан яхши бўлмади. Ҳар бир соғин сигирдан 1197 литр сут соғиб олинди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 39 литр камдир. Районда чорва моллари тўғрини, шу жумладан йирик шохли қора моллар, айниқса сигирлар ва она чўчқалар сонини ўстириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш юзасидан белгиланган планлар бажарилмади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархи қимматлилигича қолди.

Хўш, район хўжалигида бу каби жиддий камчиликларнинг юз беришига сабаб нима?

Шу муносабат билан яна ўртоқ Тоштаноғ ва музокарада қатнашган бошқа делегатларнинг сўзига мурожаат қиламиз.

Райком секретарлари ва ходимлари, айниқса район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Акромов, шунингдек район ижроия комитетининг раҳбарлари, — деб давом этди ўз сўзида ўртоқ Тоштанов, — колхозлардаги ҳақиқий аҳволдан бутун йил бўйи давомида мутлақо хабарсиз бўлдилар. Улар жойларда жонли ташкилотчилик иши олиб бормадилар, омма билан алоқа қилмадилар, колхоз партия ташкилотлари ва правлениеларига хўжалик ва сиёсий ишларни тўғри йўлга қўйишда амалий ёрдам бермадилар. Раҳбарлар коммунистлар, активлар ва оддий колхозчилар билан маслаҳатлашиш, суҳбатлашиш, уларнинг фикрини олиш ўрнига, дуч келган кишига дўқ урдилар, таҳдид қилдилар, оммани ва активни ўзларидан қочирдилар.

Свердлов номли колхоз райондаги энг йирик пахтакор колхозлардан бири. Колхоз партия ташкилоти ва правлениеси пахтачиликка раҳбарликни ўз қўлларида марказлаштириш ўрнига, уни иккинчи даражали кишиларга ишониб топшириб қўйдилар. Улар пахтачилик бригадаларига раҳбар кадрлар танлашда катта хатога йўл қўйдилар. Бригада бошлиқлари қилиб тажрибали пахтакорлар ўрнига иш билмайдиган, раҳбарликнинг уддасидан чиқолмайдиган кишилар тайинланди. Натижада ғўза парваришида, ҳосил йиғим-терими даврида жиддий нуқсонлар юз берди.

Колхоз партия ташкилоти колхозчиларнинг мўл ҳосил учун курашини чиракам ташкил этмади, оммавий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўймади. 1640 гектар майдонинг ҳар гектаридан атиги 16,7 центнердан ҳосил олингани, пахта тайёрлаш плани фақат 60 процент бажарилгани ва ҳосилдорлик 1957 йилдагига нисбатан гектар бошига 11,6 центнер камайиб кетганига ана шулар сабаб бўлди.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Саломов шу ҳақда гапиргач. бундай деди:

— Район партия комитетининг бюроси ва унинг секретарлари бизнинг хатомизни кўрсатмадилар, аксинча, Ўртоқ Акромов колхоз раҳбарлари билан ўтакетган даражада қўпол муомалада бўлди, уларни кўпчилик ўртасида ҳақорат қилиб, обрўсини туширди. Оқибатда аҳвол шу даражага борib етдики, колхоз раҳбарлари, бригада бошлиқлари ва ҳатто оддий колхозчилар Ўртоқ Акромовни узоқдан кўрганда ўзларини панага оладиган бўлдилар.

Конференцияда кўрсатилишича ғўза парвариши, пахта йиғим-терими даврида райком бюросининг аъзолари айрим колхозларга доимий вакил қилиб биркитиб қўйилган. Улар ўзлари вакил бўлган колхозлардан қимирламаганлар, бошқа колхозлардаги аҳволдан хабарсиз бўлганлар. Бутун районга «умумий раҳбарлик қилиш» эса ёлғиз Ўртоқ Акромовнинг ўзига қолган. У, кўпинча райком бюросининг мажлисларини бир ўзи ўтказган. Колхоз раҳбарларини тез-тез бюрога чақириш ва жазо бериш билан овора бўлган.

Райком бюросининг бошқа аъзолари, деб кўрсатилди конференцияда, Ўртоқ Акромовни жиддий хатоларга йўл қўяётганлиги ҳақида огоҳлантирмадилар.

«Северний маяк» колхози партия ташкилотининг секретари Цой Павел Андреевич, «Гулистон» колхози партия ташкилотининг секретари Ким Чан Се, Оржоникидзе номли колхознинг раиси Хўжаев Ўртоқлар район колхозларида ғўза парвариши даврида агротехника қоидалари қўпол равишда бузилганлиги, суғориш ва озиқлантириш иқлим ҳамда тупроқ шароитини ҳисобга олмай ўтказилганлиги, район партия комитети қолоқ колхозларнинг экономикасини кўтариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг таннархини камайтириш масалалари билан етарли шуғулланмаганлиги ҳақида гапирдилар.

«Коммунизм» колхозининг зоотехниги Ўртоқ Хўжаев район партия комитети ва колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари чорвачилик ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, мустаҳкам ем-ҳашак базаси яратиш масаласи билан кам қизиққанликларини кўрсатди.

«XIX партсъезд» колхозининг звено бошлиғи Ўртоқ Эргашев район партия комитети ва унинг бюроси, колхозларнинг бошланғич партия ташкилотлари хотин-қизларни тарбиялаш, пастдан юқори кўтариш масаласига мутлақо эътибор бермаганликларини таъкидлади.

Шунингдек делегатлар район партия комитети саноат корхоналарига, савдо ва маданий-маиший муассасаларга қониқарсиз раҳбарлик қилганини кўрсатдилар, партиявий-ташкилий ва сиёсий ишлардаги жиддий камчиликларни очиб ташладилар.

Конференция район партия комитетининг ҳисобот давридаги ишини қониқарсиз топди.

Конференцияда район партия комитетининг янги состави, область партия конференциясига делегатлар сайланди.

* * *

Район партия комитетининг бўлиб ўтган пленумида райком секретарлари қилиб О. Бердиев ва Т. Эм ўртоқлар сайландилар.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Ҳўжаликка ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилайлик

(СИРДАРЁ, БЎКА ВА ХОВОС РАЙОНЛАРИНИНГ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДАН)

Ҳозир бўлиб ўтаётган район партия конференцияларида ҳисобот даври ичида қилинган ишларга якун ясалмоқда. Делегатлар район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятларини чуқур анализ қилмоқдалар, шу билан бирга янги етти йилликнинг истиқбол режаларини атрофлича қараб чиқмоқдалар.

Бу конференцияларнинг характерли хусусияти шундаки, делегатлар ўз нутқларида асосий эътиборни ҳал этилмаган масалаларга қаратиб, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштириш имконини берадиган конкрет таклифларни киритмоқдалар.

Сирдарё район партия конференциясида чиқиб сўзлаган делегат Ўртоқ Митягов айтдики, район партия комитети қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда жиддий камчиликларга йўл қўймоқда. Мавжуд резервлардан тўла ва унумли фойдаланилмаганлиги, бошланғич партия ташкилотларига амалий раҳбарлик қилинмаганлиги, шунингдек колхозларга вакиллар кетидан вакиллар юборилиб, жонли ташкилотчилик ишлари олиб борилмаганлиги туфайли районда пахта тайёрлаш плани бажарилмади ва давлатга пландагидан 8 минг тонна кам пахта топширилди. Конференция делегатлари кўпгина колхозларда чигитни квадрат-уялаб экиш ва ғўзани икки томонлама ишлаш каби прогрессив усул кам қўлланилганлигини ва агротехника қоидаларининг қўпол равишда бузилишига йўл қўйилганлигини ҳам кўрсатиб ўтдилар. Бундай аҳвол айниқса райондаги Ильич номли колхозда кўпроқ содир бўлди. Натижада колхоз 1250 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан бор-йўғи 11,7 центнердан ҳосил етиштирди. Худди ана шундай сабаблар билан «Ёш ленинчи», Ленин номли ва бошқа бир қатор хўжаликларда ҳам пахтадан жуда кам ҳосил олинди.

Тўғри, районда чорвачиликни ривожлантириш соҳасида баъзи муваффақиятларга эришилди, гўшт, сут, тухум ва тухум тайёрлаш планлари ошириб бажарилди, чорва моллар туёғи кўпайди. Шунингдек айрим колхозлар пахтадан юқори ҳосил етиштиришга муваффақ бўлдилар. «Правда», Хрушчев номли, Тарас Шевченко номли колхозлар пахта йиғим-терининг қизғин пайтларида тайёрлаш пунктига ҳар куни йиллик планнинг 1,5-2 процента миқдорида пахта топшириб турдилар ва планни ошириб бажо этдилар. Лекин район партия комитети ҳам, район ижроия комитети ҳам илғорлар тажрибасини оммалаштиришга етарли эътибор бермадилар.

Ленин номли колхоз раиси делегат ўртоқ Бездетний тракторлар ремонти билан қониқарсиз шуғулланаётганлиги учун РТС раҳбарларини қаттиқ танқид қилди. Сўнгра у колхоз аъзолари КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми материалларини баланд руҳ билан кутиб олганликлари, келгуси йилда пахта майдони 200 гектар кенгайтирилиб, ҳосилдорликни кескин равишда ошириш мўлжалланаётганлигини айтди.

Конференция делегатлари бу йил пахтани машина билан теришга мутлақо эътибор берилмагани ҳақида гапирдилар, агитколлективларнинг фаолиятини яхшилаш масаласи билан кун кун сайин шуғулланмаётганлиги учун райком пропаганда ва агитация бўлимининг адресига танқидий мулоҳазаларини айтдилар.

Район партия конференцияларида МТСларни қайта қуриш юзасидан амалга оширилган тадбирлар техникадан унумли фойдаланиш, меҳнат кунлари сарфини қисқартириш, маҳсулотнинг единицасига қилинадиган харажатни камайтириш имконини берганлиги ҳақида ҳам далиллар келтирилмоқда. Шу билан бирга, колхозлар қўлидаги техникадан фойдаланиш, уни ремонт қилиш ишлари қониқарсиз бораётганлиги қайд қилинмоқда.

Бўка район партия конференциясининг делегатлари ана шу ҳақда гапирдилар ва пахтачиликда йўл қўйилган камчиликларнинг конкрет сабабларини очиб ташладилар, чорвачиликни ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасида юз берган қолоқликни «XIX партсъезд», «Ленинобод», Охунбобоев номли, Жамбул номли колхозлар мисолида кўрсатиб ўтдилар.

Районда оммавий-сиёсий ишлар савияси паст, колхозчилар ўртасида олиб борилаётган лекция пропагандаси ҳозирги юксак талабларга жавоб бермайди, у қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида турган муайян амалий вазифалар билан маҳкам боғлаб олиб борилмайди.

Ховос район партия комитетининг секретари Ўртоқ Обидов ўз докладида районнинг етти йилликдаги истиқбол режалари ҳақида гапириб, сўнгра район партия комитети ва район ижроия комитети чорвачилик, галлачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини ривожлантириш масалалари билан етарли шуғулланмаганликларини, шунингдек саноат корхоналари ва темир йўлнинг Урсатьевск бўлимига конкрет раҳбарлик қилмаганликларини эътироф этди. Бу ҳақда конференция делегатлари ҳам чиқиб сўзладилар.

Райондаги «Ховос» дон совхози чорва моллар туёғи, шу жумладан сигирлар, қўй-эчкилар ва чўчқалар сонини кўпайтириш бўйича белгиланган планни бажармади, бордорчилик ва узумчилик секинлик билан ривожланмоқда, мавжуд ҳосилдор токлар қаровсиз ташлаб қўйилмоқда.

Делегатлардан «Ховос» дон совхози 4-бўлимининг бошлиғи Ўртоқ Эрбеков бу хўжаликка область совхозлар трестининг малакасиз раҳбарлик қилаётганлиги, Урсатьевск паровоз деposининг машинисти Ўртоқ Абдурахмонов, депо бошлиги Альхович маҳаллий кадрларга нисбатан нотўғри муносабатда бўлаётгани, район ветеринария-даволаш пунктининг бош врачи Ўртоқ Евсеев эса чорвачилик бўйича мутахассис кадрлар тайёрлаш ва танлаш қониқарсиз аҳволда эканлиги ҳақида конкрет фактлар келтирдилар. Шунингдек, конференцияда район партия комитети жойларда ташкилотчилик ишларини суст олиб бораётганлиги, хотин-қизлар ўртасида тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмаганлиги ҳақида ҳам гап бўлди.

* * *

Район партия комитетларининг пленумлари ўтиб ўтди. Сирдарё район партия комитетининг секретарлари қилиб И. Каримов, П. Ермошкин, И. Алжонов, Бўка райкомининг секретарлари қилиб Э. Шайхов, А. Султонов, А. Абдуллаев, Ховос район партия комитетининг секретарлигига Г. Обидов ва А. Григорьянц ўртоқлар сайландилар.

Қолган ҳосилни тезроқ топшириб, 1959 йил мўл ҳосилга пухта тайёргарлик кўрайлик!

Юқори Чирчиқ районидаги «Париж Коммунаси» колхозида кўсак чувиш пайти.

В. Шевелев фотоси.

ТАРАДДУД

Ҳар фаслнинг ўзига хос гашти, завқи ва кўрки бор. Далаларда ҳозир ўзгача бир манзара: дарахтлар кузда олтинга айланган барглларини ташлаб, ялангоч бўлиб қолган. Кенг пайкалларда баъзан қорайиб кетган ғўзапояларгина кўринади. Бу ерларда ҳозир ёзнинг файзи қолмаган. Лекин айни кунларда бу ерларни бефайз, кўримсиз деб бўлмайди.

Осмонда гала-гала қарғалар, заҳчаларнинг «чаг-чуг»лари қулоқларни қоматга келтиради. Одатда серҳаҳик, бир чўқиб ўн марта атрофига қарайдиган, бир йўталсангиз учиб кетадиган бу қушлар негадир кучли тракторларнинг ҳайқиришидан ҳам, шу ерда юрган одамлардан ҳам чўчимаси. Аксинча ерларни пага-пага ағдариб кетаётган трактор кетидан эргашиб учар, ҳайдалган ерларга ёпирилиб ризқ қидирарди.

Кенг далада 9 та трактор ғўзапояларни юлиб кетаяпти. Колхозчилар уни йиғиб аравага ортмоқдалар. Араваларда ташиб чиқилган ғўзапоялар ер четларига ғарам қилинмоқда. Икки трактор бригадаси биргалашиб ерларни тозалаб, ҳайдаб, келгуси йил мўл ҳосили учун шу хилда замин ҳозирламоқда.

Ёз фаслида мана шу одамлар, шу механизаторлар пахтадан мўл ҳосил олиш учун қанча тер тўккан, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай ишлаб, мўл ҳосил етиштирган эдилар. Лекин етиштирилган ҳосил табиий офатга учради. Етилиб қолган кўк кўсакларни совуқ уриб кетди. Ҳар йили гектаридан 30 центнергача етказиб ҳосил олиб, планини ҳамиша бажариб келаётган бу колхозда план бажарилмай қолди. Аммо бу ҳол колхозчиларни иккилантирмаётир. Улар «қўлдан кетган нарсага ачиниш»нинг фойдаси йўқ. Энди келгуси йилнинг ғамини ейиш керак» деб кузги шудгорга киришдилар. Ғўзапояларни пешма-пеш юлиб, шудгорни жадал давом эттирмоқдалар. Конвейер усулида ташкил қилинган бу иш яхши натижа бермоқда. Тракторлар икки сменада кеча-кундуз ишлаб турибди. Колхозда суткасига график бўйича 40 гектар ўрнига 45-50 гектар ер ҳайдалмоқда. Айниқса Николай Гусев билан Сарсонбой Турсунбоев ўртоқлар кунига ДТ-54 трактори билан 11-12 гектардан ер ҳайдамоқдалар.

Ер ҳайдаш ишларига колхоз агрономи Ҳамид Йўлдошев, инженер Ғани Оллоёров, бригада механиги Шойиб Обдоевлар раҳбарлик қилмоқдалар. Улар ерларнинг сифатли ҳайдалишини, тракторларнинг бетўхтов ишлашини таъминлаш учун курашмоқдалар.

Болабек Раззоқов, Тошканбой Бойзақовлар кунига 11-12 гектар ердаги ғўзапояни юлиб бермоқдалар. Колхоз правлениеси ҳозир кузги шудгорлашда ишлаб турган механизаторлар, колхозчилар учун қулай маиший шароит яратиб берган. Улар ҳар куни икки маҳал иссиқ овқат билан таъминламоқда. Бир гектар ер ҳайдаган тракторчига 10 сўмдан, бир гектар ердаги ғўзапояни корчовка қилган тракторчига 5 сўмдан пул берилянти.

Гулистон районидаги Крупская номли бу колхозда ўгит тайёрлаш ишига ҳам катта аҳамият берилган. Аравалар, машиналар тинимсиз қатқаб турибди. Ҳозиргача Мирзачўлдан план бўйича олиниши лозим бўлган 640 тонна селитранинг ярми, 600 тонна суперфосфатнинг ярми ташиб келтирилди. Далага 400 тонна гўнг тўкилди.

Колхоз механизаторлари давлатдан сотиб олинган механизмларни ўз вақтида ремонтдан чиқариб қўйганлари учун ҳозир кузги шудгор ишлари муваффақиятли давом этмоқда. Улар партиямизнинг XXI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб 1 январгача 1550 гектар ерни тўла шудгор қилиб қўйиш, 60 гектар қўриқ ерни ўзлаштириш учун курашмоқдалар.

Бу йил колхозда пахта тайёрлаш плани бажарилмади. Госстрах томонидан ўтказилган текширишда 32 процент пахта ҳосили совуқда нобуд бўлганлиги аниқланди. Бу ҳақда колхоз раиси ўртоқ Ҳасан Турсунқулов бундай деди:

— Бизнинг колхоз бу йил совуқдан катта зарар кўрди. Аммо госстрах бизга бир миллион сўмга яқин ёрдам берди. Шундай оғир пайтда давлат томонидан берилган бу ёрдам колхозчиларимизни жуда қувонтиради. Энди биз келгуси йил мўл ҳосили учун пухта тайёрлик кўрмоқдамиз. Пахта майдонларини яна кенгайтириб, бу йил бера олмаган пахтани келгуси йилда етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

Меҳнатда синалган, доим ўз сўзларининг устидан чиқиб келган бу колхоз аъзоларининг гапларига ишонса бўлади.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

☆

Катта бўлимнинг муваффақияти

ПИСКЕНТ. (Телефон орқали олинди). «Пискент» совхозининг ишчилари ва механизаторлари етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олиш ишини муваффақиятли якундаб, қувончли натижаларни қўлга киритаётирлар. Совхознинг ўртоқ М. Қосимов бошлиқ биринчи бўлим ишчилари, айниқса, фидокорлик билан меҳнат қилдилар. Бу ерда 1030 гектар ернинг ҳар гектаридан 23 центнердан ҳосил олиниб, план муваффақиятли бажарилди. Давлатга 2310 тонна пахта етказиб берилди. Бўлим ишчилари яна 60 тонна пахта териб топширишга сўз бердилар. Шу мақсадда улар далада қолган ҳосилнинг сўнгги кўсагигача побуд қилмай, йиғиб-териб олиш учун курашаётирлар.

Бу ерда келгуси йилга тайёргарлик ишлари ҳам кучайтириб юборилган. Ҳозирга қадар бўлимнинг 250 гектарга яқин ери сифатли шудгор қилилди.

Меҳнатни тўғри ташкил этиб, ишчи кучларидан моҳирлик билан фойдаланиб, ҳосилни йиғиб-териб олишда ажойиб ютуқларни қўлга киритган бригадаларни айтиб ўтиш қувончлидир. Комсомол аъзоси Зарифа Убайдуллаеванинг номи районгагина эмас, областга ҳам машҳур бўлди. Бригадир Зарифа Убайдуллаева ўз бригадаси аъзолари билан бирга меҳнат қилиб пахта терди. Унинг бригадаси шу кунга қадар 50 гектар ернинг ҳар гектаридан 37 центнердан ҳосил йиғиб олди. Шунингдек М. Азаматов, М. Сафарматов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам ҳосил мўл бўлди. Юз гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил тошириб, планни совхозда биринчилар қатори бажарган ўртоқ М. Шорахмедов бошлиқ бригада шудгорлашни ҳам муваффақиятли тугаллади.

«Пискент» совхози биринчи бўлимининг ишчилари эришилган ютуқларни мустаҳкамламоқдалар.

Н. БЕКНАЗАРОВ.

Шудгорлаш илғорлари

Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз аъзолари дала ишларини конвейер усулида ташкил этиб, келгуси йилга тайёргарликни кучайтириб юбордилар. Ҳосилдан бўшаган ерларнинг ғўзапояси корчовка қилиниб, пешма-пеш шудгор қилинмоқда. Механизаторлардан Қўчқоров, Абдурахмонов, Мирзараҳимов ўртоқлар унумли меҳнат қилиб, кунига 9-10 гектар ерни сифатли шудгорлаётирлар.

Социалистик мусобақада колхознинг 9-бригадаси аъзолари олдинда бормоқдалар. Бу бригадада кузги-қишки тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозир келгуси йили чигит экиладиган ерлар шудгорлаб қўйилди.

Колхознинг бошқа бригадалари ҳам илғорлардан ўрнак олиб, тайёргарликни кун сайин кучайтирмоқдалар. Шу кунга қадар колхозда 800 гектардан ортиқ ер сифатли шудгор қилинди.

М. ЮНУСОВ.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

Тошкент саноати — ленинча миллий сиёсат самараси

Ўзбек халқи Улуғ Октябрь социалистик революцияси очиб берган йўлдан олға бориб, Коммунистик партиянинг ленинча доно миллий сиёсати туфайли мамлакатимиз халқларининг қардошлик оиласидан муносиб ўрин эгаллади, хўжалиги ва маданияти гуллаб-яшнаган социалистик миллатга айланди.

Мамлакатимизда Октябрь революцияси галабаларини мустаҳкамлаш, ижтимоий тараққиётимизнинг асосий негизи бўлган ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлаш, қардош совет халқларининг амалдаги тенгсизлигини тугатиш ва социализмнинг иқтисодий пойдеворини барпо қилишда Коммунистик партия зўр қатъият билан амалга оширган социалистик индустриаллаш сиёсати бутун совет давлати фаолиятининг гоят муҳим даври бўлди.

Мамлакатимизни социалистик индустриаллаш тарихи, бу улуғвор тарихнинг ҳар бир шонли саҳифаси социализм ва коммунизм йўлида қаҳрамонона курашиб, фидокорона меҳнат қилаётган халқларимиз ҳаётининг гоят сермазмун, гоят пардоқ боскичи бўлиб қолди. Бу тарихни тўла-тўкис ўрганиш, унинг ҳар бир даврига бағишланган илмий асарлар, китоблар яратиш — илмий жамоатчилигимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти сўнгги вақтда нашрга тайёрлаган ўз «Илмий ишлари» («Ученые записки») орасида институт аспиранти Халил Йўлдошевнинг «Тошкент партия ташкилотининг биринчи беш йилликда саноатни ривожлантириш учун кураши тарихидан»[1] деган илмий иши алоҳида аҳамиятга эгалир. Бу илмий иш Коммунистик партиянинг социалистик индустриаллаш сиёсатини амалга оширишда Тошкент партия ташкилоти олиб борган курашни баён қилади.

Автор ўз илмий ишининг дастлабки саҳифаларида оғир индустрияни барпо қилиш нима учун партиямизнинг бош линиясини ташкил қилганлигини етарли далиллар билан исботлаб беради. Социалистик оғир саноатни барпо қилиш масаласи социалистик системанинг туб моҳиятидан, бу система олдида турган асосий вазифалардан келиб чиққанлиги баён қилинади.

Илмий иш автори Чор Россиясининг собиқ мустамлака чекка ўлкаси бўлиб келган Ўзбекистонда социалистик оғир индустрия барпо қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ва қийинчиликлари устида ҳам алоҳида тўхталиб, бу қийинчиликларни енгиш учун Тошкент шаҳар партия ташкилоти олиб борган курашни ёритган ва бу ишни ҳал қилиш биринчи навбатда пролетариат диктатурасини мустаҳкамлаш, партия, совет, хўжалик ташкилотлари ишини яхшилаш, партия ва ишчилар синфидаги темир интизомни мустаҳкамлашга боғлиқ эди, деган тўғри хулосага келган.

Социалистик саноатни юзага келтириш ва ривожлантириш процессида ишчиларнинг меҳнатга онгли муносабатда бўлиши ҳал қилувчи омилларнинг биридир. Меҳнатга онгли, ижодий муносабатда бўлиш меҳнат унумдорлигини оширади, бу эса социализм асосий иқтисодий қонунини амалга ошириш учун катта аҳамиятга эгалир. Илмий ишлагн муҳим ижобий томонлардан бири шундаки, Тошкент ишчилари шаҳар партия ташкилоти раҳбарлиги остида ишлаб чиқаришда янги прогрессив методларни қўлланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун олиб борган кураш ҳар томонлама кўрсатилган. Автор ВКП(б) XVI конференцияси чақиригига биноан Тошкент ишчилари меҳнат унумдорлигини ошириш учун олиб борган курашни очиб берган. Бу масалани ёритиш учун «Қизил шарқ» паровоз-вагон ремонт заводи, «Биринчи май» мастерскойи, Фомин номидаги пойафзал фабрикаси, «Қизил тонг» тикувчилик фабрикаси ва бошқа корхоналардаги илғор ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга олиб келган рационализаторлик таклифлари мисол қилиб келтирилади.

Саноатни янада тез суръатлар билан ўстириш учун техника асосларини эгаллаган кадрларни тарбиялаб етиштириш биринчи беш йилликда катта аҳамиятга эга бўлган вазифалардан бири эди. Малакали кадрларни тарбиялаб етиштириш, айниқса бундай кадрларни маҳаллий аҳоли орасидан етиштириш саноатни ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири эканлигини ҳисобга олиб, автор бу масалани тўларок ёритишга, бу ишни амалга оширишда Тошкент шаҳар партия ташкилоти амалга оширган ишларни кўрсатишга ҳаракат қилган.

Илмий ишда Тошкент шаҳрининг энг йирик корхонаси бўлган И. В. Сталин номидаги тўқимачилик комбинатини қурилда учраган қийинчиликлар, бу қийинчиликларни енгиб ўтишда кенг меҳнаткашлар оммасининг фидокорлиги, мингларча оддий кишилар меҳнат соҳасида ажойиб ютуқларга эришганлиги етарли далиллар билан исботланган.

Автор ўз олдига қўйган асосий масалаларни бир қадар тўла ва тўғри ёритишга эришган. Лекин, илмий иш камчиликлардан ҳам холи эмас. Бизнинг фикримизча, унинг энг асосий камчилиги шундаки, масалалар маълум система билан ёритилган эмас. Илмий ишнинг структурасида умумий бирлик, мантиқий изчиллик йўқ. Ҳал қилинаётган масалалар аралашиб кетганлиги туфайли баъзи жойларда маълум фактларни келтириш билан автор нима демоқчи бўлганини аниқлаш қийин.

Ўзбекистонда Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кўрсатмаларига биноан, саноат қурилиши соҳасида 1926-1927 йилларда ҳам катта қурилиш ишлари олиб борилган эди. Биринчи беш йилликда амалга оширилган саноат қурилиши беш йиллик план қабул қилинмасдан олдин амалга оширилган ишларнинг давомидир. Автор биринчи беш йилликда амалга оширилиши мўлжалланган саноат қурилишини 1926-1927 йилларда саноат қурилиши соҳасида олиб борилган ишларга етарлича боғлай олмаган.

Шунингдек, автор кенг ишчилар оммаси орасида олиб борилган оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни четлаб ўтган. Бу масалалар ёритилганида илмий ишнинг қиммати янада ортган бўлар эди.

Бундай айрим камчиликлар ишнинг илмий аҳамиятини камситмайди. Автор ўз олдига қўйган масалани ёритишда матбуотда эълон қилинмаган кўпгина архив материалларидан ҳам кенг фойдаланиб тўғри, мазмунли хулосалар чиқара олган. Бу эса ҳар қандай илмий ишдаги диққатга сазовор хусусиятдир.

Х. Йўлдошевнинг бу илмий иши институтнинг «Илмий ишлари» китобчаси шаклида нашр этилиб, кенг илмий жамоатчиликка тавсия этилганлиги, шубҳасиз, ижобий иллдир.

Э. ЮСУПОВ,
философия фанлари кандидати.

А. РАЗЗОҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

[1] Ташкентский Государственный педагогический институт им. Низами. Ученые записки. Выпуск X. исторический. Часть I. Ташкент. 1957 год. 76 стр.

Эстрада оркестри декадага тайёрланмоқда

Куй ва қўшиқда кишининг энг нозик ҳис-туйғулари тараннум этилади. Уфқларга туташган пахтазорларда, завод-фабрикаларда, нефть конлари ва қурилишларда, хуллас совет кишиси яшаб, ижодий меҳнат қилаётган ҳамма ерда қўшиқ ва куй унга ҳамдам, ҳамнафасдир. Ана шундай ёқимли куй ва шўх қўшиқларни халқ орасида тарқатувчи санъаткорлар, жумладан ўзбек давлат эстрада театри коллективи шу кунларда Москвада бўладиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Композитор Шариф Рамазонов раҳбарлигидаги 30 кишилик оркестр ўтган йил май ойида тузилган эди. Ҳозир оркестр коллективи «Салом Москва!» деб аталувчи икки бўлимдан иборат катта концерт устида ижодий иш олиб бормоқда.

Бу концерт программасининг номерлари хилма-хиллиги билан диққатга сазовордир. VI жаҳон ёшлари фестивалининг лауреати Ботир Зокиров арабча «Араб тонгги», Ливан композитори Рахбанининг «Чиройли қиз», ҳиндча «Арзимахра» қўшиқларини машқ қилмоқда. Фестиваль лауреати Луиза Зокирова ҳам индонез, ҳинд ва ўзбек халқ қўшиқларини маҳорат билан ижро этади. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ольга Когай ижро этадиган қўшиқларда улуғ Ватанимиз халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ғоялари ифода қилинади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистка Ҳалима Комилова ва талантли раққоса Гулнора Қиёкова катта ижодий иш олиб бормоқдалар. Улар турли халқ ўйинларини қунт билан ўрганмоқдалар. Шунингдек балетчилардан Алиев, Одилов ва Азизбоев ўртоқлар ўрганаётган Африка халқ ўйини ҳам диққатга сазовордир. Рақсларни тайёрлашга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист балетмейстер И. Оқилов ва солист Гертлер ўртоқлар катта ижодий меҳнат сарфламоқдалар.

VI жаҳон фестивалининг лауреати доирачи Йўлдош Акбаров декадага пухта тайёргарлик кўрмоқда. У ҳозир бирданга уч доирада чалишни машқ қилаётир.

Катта кўрикка тайёрланаётган концерт программаси ўзининг мазмун ва ғоя жиҳатидан хилма-хилдир. У Москваликлар учун муносиб совға бўлади.

А. ИНОҚОВ.

Бош балетмейстер Исахор Оқилов театр солисткаси Гулнора Қиёқовага рақс ўргатмоқда. Театрнинг солисти Йўлдош Акбаров уч доирада чалишни машқ қилмоқда.

В. Салов фотолари.

Трикотажчилар муваффақияти

Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XXI съезди шарафига умумхалқ социалистик мусобақасида актив иштирок этиб, 13 декабрдаёқ йилнинг маҳсулот ишлаб чиқариш 1958 йил топшириғини бажарган эдилар.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларидан илҳомланган трикотажчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача 130 минг ички кийим, 11 минг устки трикотаж, 6 минг жуфт пайпоқ-носки ва ҳаммаси бўлиб 2 миллион 285 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар. Шу кунларда корхона коллективи олинган мажбуриятни бажариш учун курашмоқда.

СПЕКТАКЛЛАР КУРИГИ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ва республика маданият министрлиги комсомолга бағишланган спектакллар кўриги якунларини кўриб чиқди. «Юрак ёнмоги керак» (Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театри), «Муса Жалил» (Ёш тамошабинлар театри), «Абдулла Набиев» (Қўқон ўзбек драма театри) ва «Ҳаётга йўлланма» (Бухоро драма театри) спектакларига энг яхши баҳо берилди. Бу спектакларнинг ҳаммаси Тошкент театр институтини битириб чиққан ёш мутахассислар раҳбарлигида саҳнага қўйилган.

Юқоридаги тўртта спектакль комсомол ҳаётидаги спектакларнинг Бутуниттифоқ декадасида кўрсатишга тавсия этилди.

ЭКСКАВАТОРЛАР ИШИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ АВТОМАТЛАР

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг ирригация ва мелиорация илмий-текшириш институтида ер қазувчи машиналар ишини ҳисобга олувчи бир қанча автоматлар яратилди.

Институтнинг тажриба полигонида механизмлар бажарган ишларни кубометрларда ҳисобга оладиган автоматик прибор синовдан ўтказилганда яхши натижа берди. Бу прибор соат механизми принципида ишлаб, экскаватор ишга бошлаган айни бир вақтда автоматик равишда ҳаракатга келади.

Келгуси йилда республика экскаватор парклари учун кўплаб ана шундай автоматлар ишлаб чиқарилади.

(ЎзТАГ).

120 кишининг ишини қиладиган юмшатгич-культиватор

Янгиер атрофида барпо этилаётган яшил зонада ўрмончиликда қўлланиладиган янги машина—юмшатгич-культиватор яқинда ишлаб чиқариш синовидан ўтказилди. Мамлакатда биринчи марта ихтиро этилган бу машинани Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги илмий-текшириш институтининг ходими Ўртоқ Поправко яратган.

Юмшатгич-культиватор КД-35 маркали гусеницали тракторга тиркалади. Бу машина кўчатлар ўтқазилган ариқларни 2,5 метр кенглиқда ва 15 сантиметр чуқурликда юмшата олади. Бундан ташқари машина ёрдами билан дарахтзорлар орасида 20 сантиметр чуқурликкача суғориш ариқлари ҳам очиш мумкин. Синов вақтида янги машина билан 8 соат ичида 7-8 гектар кўчатзорни культивация қилиши мумкинлиги аниқланди. Шунингдек, 8 соат ичида ҳудди шунча гектар дарахтзорга ариқ ҳам олиш мумкин. Юмшатгич-культиватор дастлабки ҳисобга қараганда 8 соат ичида 120 ишчининг меҳнатини бажаради.

Юқорида тасвирланган юмшатгич-культиватор яқин кунларда оммавий равишда ишлаб чиқарила бошлайди.

Е. ГОДОВИКОВ.

Қишлоқ хўжалиги бўйича янги дарслик ва қўлланмалар

Ўзбекистон ССР Давлат нашриётининг қишлоқ хўжалик адабиёти редакцияси бу йил Ўрта Осиёдаги қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари ва техникум студентлари учун бир қанча янги дарслик ва қўлланмаларни нашр этди. Доцент А. И. Шлейхернинг «Пахтачилик» номли қўлланмасининг биринчи қисми ўзбек тилида босилиб чиқди. Бу китобда ғўзанинг агробиологик характеристикаси баён қилинган. Китоб рангли иллюстрациялар билан таъминланган. Қўлланма агрономлар ва қишлоқ хўжалик техникумлари ўқитувчилари учун жуда фойдали манбадир. Қўлланманинг ғўза агротехникасига бағишланган иккинчи қисми келгуси йилда нашр этилади. Профессор Г. А. Кошевников таҳрири остида чиққан «Пахта терадиган ва тозалайдиган машина» деган дарслик ҳам студентлар учун жуда зарур китобдир.

1959 йилда бир қанча янги дарсликлар нашр этилади. «Ўсимликшунослик», «Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари физиологияси», «Мевачилик», «Қишлоқ хўжалик мелиорацияси» ва бошқа кўпгина китоблар шулар жумласидандир. Бу китобларнинг авторлари қишлоқ хўжалиги соҳасида катта илмий ва амалий тажрибага эга бўлган мутахассислардир.

Нашриёт томонидан чиқарилаётган дарслик ва қўлланмалар келгуси етти йилликда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш ишига катта ёрдам беради.

К. ОРИФХОНОВ.

Қизиқарли маълумотлар

✦ **Ернинг айланишини тадқиқот қилишда ҳозир атом соатларидан фойдаланилмоқда. Ана шу соат ёрдами билан 1955 йилдан 1958 йилгача ҳар бир суткага 0,00043 секунд вақт қўшилганлиги аниқланди.**

✦ **Америкалик астрономлар оқ карликлар (жисмлар жуда зич жойлашган юлдузлар)ни кучлик телескоплар ёрдами билан текшириб, ана шу юлдузнинг бир кубометр моддаси 40 минг тонна келишини исботлашга муваффақ бўлдилар.**

✦ **Грузия территориясининг ярмидан кўпи баландлиги 1000 метрдан ортиқ бўлган тепаликларга жойлашган. Территориянинг учдан бир қисми эса денгиз сатҳидан 200 метрдан 1000 метргача баландликда. Фақат 13 процент территория паст-баландликдан иборат**

КОЛБАСА ДУДЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Янгийўлдаги гўшт комбинатида шу кунларда ишлаб чиқарилаётган дудланган колбасалар илгариги маҳсулотлардан сифати жиҳатидан сира фарқ қилмайди. Бу колбасалар комбинат директори И. Жумабоев ва бош инженер Н. Пирогов ўртоқлар ихтиро этган тутун генераторида дудланган. Бу генераторда бир тонна колбасани дудлаш учун ҳаммаси бўлиб атиги 10 килограмм ўтин ва қиниқ сарф бўлади. Бу илгари сарф қилиб келинган ёқилғидан 40 марта камдир.

Ҳисоблаб чиқилишига қараганда агар шундай тутун генераторлари Тошкент Халқ хўжалик кенгашига қарашли гўшт комбинатларида жорий этилса, йилига қариб 5 минг кубометр ўтин иқтисод қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН АЛЬПИНИСТЛАРИ ПАМИР ЧЎҚҚИСИДА

Конституция куни арафасида Б. Ноздрюхин, И. Назаров ва В. Халтурин ўртоқлардан иборат Ўзбекистон альпинист — тадқиқотчилари Памирга қараб йўл олган эдилар. Яқинда Памирдан радиограмма олинди. Унда хабар қилинишича, альпинистлар Федченко музлигида жойлашган Витковский номидаги станцияга — қишлов жойига муваффақият билан етиб келибдилар. Бунда альпинистлар жуда кўп табиий қийинчиликларни енгиб, 5 минг метрдан ортиқ баландликка кўтарилганлар.

Ҳозир Витковский номидаги станция коллективи халқаро геофизика йили программасига мувофиқ Памир музликларини ўрганиш ишларини бошлаб юборди. (ЎзТАГ).

Ўзбекистонда чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи республика жамияти тузилади

26 декабрда чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти правлениесининг республика кенг жамоатчилик доиралари вакилларининг иштироки билан кенгайтирилган мажлиси бўлди.

Мажлисда чет мамлакатлар жамоатчилиги билан дўстлик ва маданий алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи юзасидан кенг фикр олишилди.

Сўзлаганларнинг нутқида кўрсатиб ўтилганидек, республика меҳнаткашлари СССРда айрим чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи жамиятлар тузилганлиги ва ана шу жамиятларни бирлаштирувчи иттифоқ ташкил этилганлиги ҳақидаги хабарни қониқиш билан кутиб олдилар. Ўзбекистон ССРда Совет-Хитой дўстлиги жамиятининг бўлими, Совет-Ҳинд маданий алоқа қилиш жамиятининг бўлими ва Араб Шарқидаги мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи совет жамияти бўлими ташкил этилди. Чет эллар билан маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти ҳузурида маданият, фан ва техниканинг турли соҳалари бўйича секциялар ташкил этилганлиги чет эллик маданият арбоблари билан алоқаларни кенгайтиришга анча катта ёрдам берди.

Мажлис қатнашчилари республикада янги жамоат ташкилоти — чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти тузиш мақсадга мувофиқдир деб топдилар. Бундай ташкилот жамиятларнинг ташкил этилган бўлимлари фаолиятини бирлаштира олур эди, чет мамлакатларнинг халқлари билан маданий ҳамкорликни янада кенг асосда ривожлантиришга ёрдам беради.

Бу масалани ҳар тарафлама кенг муҳокама қилиб чиқмоқ учун 29 декабрда Тошкентда чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамиятининг республика таъсис конференциясини чақиришга қарор қилинди. (ЎзТАГ).

Тарихий Қоҳира конференциясининг йиллиги

Москва жамоатчилиги Осиё ва Африка мамлакатлари ҳамкорлиги Қоҳира конференциясининг бир йиллигини кенг нишонлади. Икки буюк қитъа вакилларининг 1957 йил 26 декабрдан 1958 йил 1 январгача бўлиб ўтган ана шу тарихий учрашуви халқларнинг мустақиллик ва озодлик учун кураш байроғини юқори кўтарди.

Москвада ана шу тарихий воқеа шарафига 25 декабрда кеча ўтказилди. Бу кечада корхоналарнинг ишчилари, зиёлилар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, студентлар иштирок қилдилар.

Тантанали кечани Осиё ва Африка мамлакатлари ҳамкорлиги совет комитетининг масъул секретари ёзувчи А. Софронов кириш нутқи сўзлаб очди. Сўнгра Москва университетининг студенти Вафои Заки (Бирлашган Араб Республикаси), Москвада таълим олаётган хитой студентлари ва аспирантларининг ҳамшаҳарлик уюшмаси раиси Цю Мин-лунь, Москва Давлат университетига тайёрлаш курсларининг тингловчиси — Африка давлати Гана ёшларининг вакили Гилли Осей, аспирант Бхану Мурти (Ҳиндистон), Москва Давлат университетининг тингловчиси Мишель Айх (Того) в. бошқалар сўзладилар.

Йиғилиш минбаридан дўстликка, қардошларча ҳамкорликка даъват қилувчи сўзлар, Осиё ва Африка халқлари ҳамкорлиги шарафига айтилган табрик сўзлари жаранглаб эшитилди.

Кечада Осиё ва Африка мамлакатлари ҳамкорлиги кенгашининг Қоҳирадаги доимий секретариати номига ёзилган табрик телеграммаси ўқиб эшиттирилди. Бу телеграммада Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш совет комитети доимий секретариатга Қоҳира конференциясининг тарихий қарорлари руҳида халқлар ўртасидаги дўстликни, ҳамкорликни, ҳамжиҳатликни ва тинчликни мустаҳкамлашдан иборат олижаноб ишда муваффақиятларга эришувини чин кўнгилдан истайди. (ТАСС).

Маданий алоқаларни ривожлантирувчи Ҳиндистон-Совет жамиятининг конференцияси

БАНГАЛОР, 26 декабрь. **(ТАСС мухбири Е. Егоров).** Кеча бу ерда маданий алоқаларни ривожлантирувчи Ҳиндистон-Совет жамиятининг конференцияси очилди. Жамият Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи халқлари дўстлигини мустаҳкамлаш ишида катта роль ўйнамоқда.

1952 йилда ташкил этилган Ҳиндистон-Совет жамияти Ҳиндистоннинг муҳим маданий ташкилотига айланди. Мамлакатнинг турли районларида жамиятнинг 60 тага яқин бўлими бор.

СССР билан Ҳиндистон ўртасида ҳар тарафлама алоқа мустаҳкамланмоқда ва ривожланмоқда, жамиятнинг фаолияти тобора кенгроқ ва кўп қиррали бўлиб қолмоқда. Бу жамият совет ва ҳинд халқлари ҳаётидаги тарихий воқеаларни нишонламоқда, совет кинофильмлари, виставкаларини кўрсатишни, лекциялар ўқишни ва бир-бирларига маданий делегациялар юборишни уюштирмоқда.

Жамиятнинг иш ҳажмини шундай фактдан ҳам билиш мумкинки, жамият бўлимлари 1957-1958 йилларда Совет кинофильмларининг 3.800 дан ортиқ киносеансини ташкил этдилар, бу киносеансларни 2.800 мингга яқин киши кўрди. Мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида совет кинофильмлари фестивали ўтказилади.

Совет Иттифоқи тўғрисида жамият томонидан ташкил этилаётган виставкалар ҳамиша муваффақият қозонмоқда. Совет Иттифоқидаги ҳаётга бағишланган виставкалар тематикасининг турли-туман бўлишининг ўзи ҳам ҳинд жамоатчилиги совет халқи ютуқларига жуда қизиқаётганлигини кўрсатади.

Совет фани ва техникасининг катта ютуқлари ва аввало совет ер йўлдошларининг учирилганлиги Ҳиндистонда рус тилини ўрганишга қизиқишнинг кескин даражада ошувига сабаб бўлди. Ҳиндистон-Совет жамияти мамлакатнинг турли шаҳарларида рус тилини ўрганиш курслари ташкил этди.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҲИНДИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Умум Ҳиндистон хотин-қизлар конференциясининг таклифига мувофиқ, 25 декабрда совет хотин-қизлари делегацияси Москвадан Деҳлига жўнаб кетди. Делегацияга Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Ж. Илҳомова бошчилик қилмоқда. (ТАСС).

ЛЮКСЕМБУРГ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

ЛЮКСЕМБУРГ, 25 декабрь, (ТАСС махсус мухбири). Бугун Люксембургдаги катта саноат маркази бўлган Рюмеланж шаҳрида Люксембург Коммунистик партиясининг навбатдаги XV съезди очилди. Съезд Люксембург Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Доминик Урбанининг «Ҳозирги вазиятда партиянинг вазифалари тўғрисида»ги докладини, Люксембург Коммунистик партияси Марказий Комитетининг секретари Артур Узельдингернинг «Парламентдаги коммунистик группасининг фаолияти тўғрисида»ги докладини, шунингдек партия матбуоти ҳақидаги масалани муҳокама қилади.

Ғарбий Европада табиий офатлар

ПАРИЖ, 25 декабрь, (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Мадриддан хабар қилишича, денгиздаги довул натижасида битта испан кемаси ғарқ бўлган; кемадаги 12 киши бедарак йўқолган. Мухбир бошқа балиқ овлаш кемасидан яна уч кишининг ҳалок бўлганлигини билдиради. Овиедога яқин жойда ер сурилиб кетиб, тоннельни бузиб юборди, тоннельда турган тўртта ер қазувчи ҳалок бўлди.

Франс Пресс агентлигининг Рим мухбири Италиянинг текислик қисмларида яна сув тошкини бўлганлигини билдиради. Мамлакатнинг тоғлиқ районларида жуда кўп қор ёғиб, атроф-теваракдаги районлар билан алоқани анча қийинлаштириб қўйди.

Телевизор □ экранида

27 ДЕКАБРДА

19.30. Ўқувчилар учун эшиттириш. «Дастлабки қадамлар» деган телевизион постановка.
20.10. Киножурнал.
20.20. Телетамошабинларнинг талабларига мувофиқ ўзбек тилида концерт.
21.00. Сўнгги ахборот.
21.20. «Оғир қўлқоплар» номли киноповесть.

ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Бугун — 27 декабрь кундуз соат 3 да Бирлашган нашриёт биносида (Правда Востока кўчаси, 34, 4- қават, 94- хона) Ўзбекистон журналистлар союзи танқид ва библиография секциясининг йиғилиши бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Узбек таомлари тўғрисида китоб

Меҳмонпўст халқимизнинг асрлар мобайнида ижод қилинган ажойиб ва хушхўр таомлари жуда кўп. Аҳолининг маданий ва моддий турмуши тобора яхшилана борган сари, озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпайиши натижасида халқ ўртасида ҳозир ҳам юзлаб янги таомлар келиб чиқмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон аҳолиси Иттифоқимиздаги барча халқлар билан иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги туфайли, қардош халқларнинг таомлари ҳам республикамизда кенг тарқалиб, бу ерда ўзига хос усул билан тайёрланадиган бўлиб қолди. Шундай қилиб, биз юзлаб лаззатли, калорияси жиҳатидан кучли, инсон организмида ўзлаштириши жиҳатидан талабга жавоб берадиган таомларга эгамиз.

Ҳанузгача ана шу аҳоли ўртасида машҳур ва кўпчиликка манзур бўлган овқатларнинг ҳеч бўлмаса рўйхати кўрсатилган кичик бир брошюрага ҳам эга эмас эдик. Шу жиҳатдан қараганда К. Маҳмудов ва А. Сандель ўртоқларнинг «Узбекские блюда» китобининг босилиб чиқиши ҳаммамизни ҳам қувонтирди. Авторларнинг тили билан айтилганда, бу китоб ўзбек миллий таомлари ва бу ерда машҳур бўлган баъзи овқатларнинг биринчи ва энг кичик тўпламчасидир.

Тўпламда 232 хил таомнинг рецепти ва тайёрлаш технологияси берилган. Китобни қўлга олган ҳар бир киши 20 га яқин салат тайёрлаш усулини, 15 хил яхна таомларни, ўлаб шўрва ва суюқ ошларни, палов пиширишнинг 20 дан ортиқ вариантини, ўлаб кабоб, қовурма ва хамир таомларнинг рецептларини, нон ва сомса тайёрлаш усулларини, қиём ва бўлак ширинликлар пиширишни ўрганиб олиш имкониятига эга бўлади.

«Димлама ҳасип», «сутлик ўпка», «дармон шўрва», «қуртоба», «кўк гурунч палов», «ошқовоқ палов», «ҳасиб кабоб», «думба жигар», «чарви дўлма», «димлама ошқовоқ», «тери нон» ва яна бир қанча эсдан чиқиб кетган таомларнинг рецепти ва тайёрлаш усулларини аҳоли ўртасидан излаб топиб, китобга киритганликлари авторларнинг катта хизматларидир.

Китобда биз «янги палов», «помидор манти», «помидор қуймоқ», «чўпон кабоб» каби бир қанча таомларни учратамиз. Булар ҳатто энг мутахассис пазандаларга ҳам таниш эмас, негаки, айни таомларни пиширш усули китоб авторларининг кашфиётидир.

Дастурхон тузаш ва ошхона тўғрисида маълумот берувчи махсус мақолаларнинг киритилиши асарнинг яхши томонларидандир. Мазкур китоб ўй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёлларга мўлжалланиб, оддий ва барчага тушунарли тилда ёзилган.

Китобда 10 та рангли сурат берилган. Бу ўзбекча таомларнинг чиройли кўриниши ва иштаҳа очадиган хусусиятини тасвирлайдиган маззаралардир. Расмлар китобни беҳад безаган.

Мазкур китоб ўзбек пазандачилиги соҳасидаги тўнгич асар бўлганлиги ва шошилинч нашрга тайёрланганлиги сабабидан бўлса керак, айрим хато ва камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Чунончи: таомларнинг барчаси берилмаган, яъни «пўстдумба», «кифта шўрва», «қайиш ош», «бўғлама кабоб» каби ўзбек овқатлари негадир китобда ўз ўрнини эгалламаган. Китобнинг 28 бетида ёзилган «Алволи ва маймунжондан тайёрланадиган салат» нотўғри ёзилган, чунки алволи ва маймунжон каби меваларнинг ҳар иккаласи йилнинг бир фаслида пишиб етишмайди. Сўнгра паловлар қисмида берилган «софаки палов» тайёрлаш технологияси ҳам фикримизча, хато берилган. Бунда гурунч пиширилмасдан «қайноқ сувда 2 соатча ивитилади» деб ёзилган. (65 бет). 77 бетдаги «думба жигар» рецепти иссиқ овқатларга эмас, «яхна овқатлар» бўлимига киритилиши керак эди. Бундан ташқари таомларга қўшиладиган ошқўқлар (петрушка, шивит, кашнич) ҳаддан ташқари кўп миқдорда тавсия қилинади. Масалан, баъзи рецептларда 5 граммдан қилиб тўғри берилган бўлса, (48 бет, «қовурма шўрва»да), кўпларида 20-25 граммдан, яна бир хилларида (75 бет, «беҳи ва олма қўшиб қилинадиган қовурма»да) райҳон, шивит (укроп), кашнич ва петрушка каби ошқўқларнинг ҳар биридан 200 граммдан берилиши маслаҳат қилинади. Бу тўғри эмас.

Лекин ана шу хато ва камчиликлардан қатъий назар К. Маҳмудов ва А. Сандель ўртоқларнинг асари китобхонларимизнинг энг севимли ва ўзбек ошпазлиги тўғрисидаги энг тўнгич асар бўлиб қолади. Юқоридаги камчиликлар тузатилиб «Узбекские блюда» китоби ўзбек тилида қайта нашр этилса, у практик аҳамиятга эга бўлишидан ташқари, ҳатто ўзбек пазандачилик санъати равожида ҳам зўр аҳамиятга эга бўлур эди.

А. ЗОҲИДОВ,
Ўзбекистон ССР санитария ва гигиена илмий-текшириш институтининг директори, доцент.

[1]) К. Маҳмудов, А. Сандель, «Узбекские блюда». Госиздат, ЎзССР, 1958, тиражи 50.000.

Тошкентнинг тамоша заллари

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 27 ва 28/XII да янги спектакль **Ҳуррият** (билетлар сотилган).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 27/XII да **Улуғбек**, 28/XII да **Маскарад.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Катта программада **цирк тамошалари.**

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Сокин тайга.**

«ЎЗБЕКИСТОН» — эрталаб соат 10, кундуз 1-20 ва кеч 5-10 минутда **Номсиз тепалик**, кундуз 11-45 минут, 3-20 минут, кеч 6-55 минут ҳамда 10-20 минутда **Бўтакўз**, кеч 8-45 минутда **Олтин симфония.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
1 январдан 10 январгача
АРЧА БАЙРАМИ
ЯНГИ ПРОГРАММА
50 лилипут артист иштирокида
«АЖОИБ ТУШЛАР КЕЧАСИ»
Ҳар куни 3 марта катта байрам тамошалари.
Билетлар цирк кассасида ва район кассаларида сотилмоқда. Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади. Ташкилотларнинг сўровига мувофиқ, жойларга район кассирлари юборилади.

МУКИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
Москвада бўладиган ўзбек санъати ва адабиёти декадаси олдидан
ТЕЗ КУНДА
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
Ҳамид Ғулом асари
ФАРҒОНА ҲИКОЯСИ
3 пардали музикали комедия
Ўзбекистон ССР халқ артисти **Тўхтасин Жалилов** ва Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Б. И. Зейдман** музикаси.
Режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати **Раззоқ Ҳамроев**, дирижёрлар—Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист **Фаттоҳ Назаров** ва **Н. М. Гинзбург**, рассом—Ўзбекистон ССР халқ рассоми **В. А. Рифтин**, балетмейстер — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби **Е. Н. Барановский.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
31 декабрда
КАТТА ЭСТРАДА
КОНЦЕРТИ
Концертда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Юсуф қизиқ Шакаржонов, Аҳмаджон Умурзоқов, Мукаррама Турғунбоева**, Ўзбекистон халқ ҳофизи **Маъмуржон Узоқов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Охунжон қизиқ Ҳузуржонов, М. Мирзаев, Ҳ. Комилова, Р. Мордухаев**, солистлар **Б. Ҳўжаева, Т. Рисметова, К. Жалилова, Б. Мавлонов, Л. Зокирова, Б. Зокиров** ва бошқалар қатнашади.
Концерт кеч соат 8 ярим да бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан театр кассасида сотилади.

ТОШКЕНТ РЕСТОРАНЛАР ТРЕСТИ
27 декабрда
ОВҚАТЛАР, КОНДИТЕР МОЛЛАРИ
ва ярим тайёр овқатлар
СОТИШ-ВИСТАВКАСИНИ
уюштиради.
Сотиш-виставкаси кундуз соат 2 да, «Тошкент» меҳмонхонаси кафесида бўлади.

«Тошкент ҳақиқати» газета редакциясининг коллективи «Ташкентская правда» газетасининг редактори А. Л. Стажилога унинг онаси
Надежда Ефимовна СТАЖИЛОнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34, РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808. 136. Совет қурилиши бўлими 136, Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими— 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132, Секретариат — 29046. Эълонлар бўлими — 38142.

Р-10239. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Б-639.